САОДАТ

4
2026

1925 йилдан чиқа бошлаган

Мусиқа инсон қалбининг овозидир

Элнура Мирзакамалова



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев теран тафаккури, кенг дунёқараши ва сўз масъулиятини чуқур ҳис этиши билан ажралиб турадиган ижодкордир. У қайси хизмат жойида, қандай лавозимда фаолият юритмасин, журналист деган шарафли номга, қалам олдидаги бурчига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда.

Унинг турли йилларда чоп этилган “Бир заминда яшаймиз”, “Умидли дунё”, “Ёлғиз яшаб бўлмайди”, “Умр – учар юлдуз”, “Сувора соғинчи”, “Қирқ бешинчи бекат”, “Қабоҳат тўри” каби ўнлаб китобларидан ўрин олган асарларида ҳаётга теран назар, инсон тақдирига дахлдорлик ва халқчил руҳ яққол намоён бўлади.

У ноширлик фаолиятида ҳам ҳаётий муаммоларни матбуот кун тартибига жасорат билан олиб чиқар экан, наср, публицистика, ҳажвия каби қатор йўналишларда баракали ижод қилиб, кўплаб ёш истеъдодларнинг камолга етишига кўмакдош бўлиб келмоқда.

Айни пайтда “Жаҳон адабиёти”дек масъулияти залворли адабий нашрни муваффақиятли бошқараётган муҳтарам устозимизни умрларининг донишмандлик фаслига кирганликлари билан самимий муборакбод этамиз.

Устозимизга мустаҳкам саломатлик, теран тафаккур ва баракали меҳнатларидан келадиган юксак эътирофларнинг барчасига ҳам бўлишини тилаймиз.

ОИЛА – МАСЪУЛИЯТ, НИКОҲ – МУҚАДДАС

Қиз бола – гулга қиёс. Уни эрта узсангиз, ифорини ҳам, ҳуснини ҳам, тароватини ҳам эрта хазон қиласиз. Бир кунлик тўй, оний хурсандчиликлар ўтар-кетар, бироқ эрта сўлган гул яна қайта барқ урармикан?

Бугун ўқиши, изланиши, касб эгаллаши, ҳаётни англаши, жамиятда ўз ўрнини топиши лозим бўлган қизни ҳали тўлақонли вояга етмай туриб турмушга узатиш ҳолатлари шиддат билан ўзгариб бораётган замонамизда оқил ва одил қарор эмас, албатта.

Янги Ўзбекистонда бу ҳолатга энди фақат оилавий анъана, миллий қадрият ёки удум сифатида эмас, балки инсон қадри, аёл ва бола ҳуқуқлари, жамият барқарорлиги ва келажак авлод камоли билан боғлиқ устувор ижтимоий-ҳуқуқий масала сифатида қаралмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги PF–33-сон Фармони аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги янги босқични бошлаб берди.

Мазкур ҳужжат аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Инсон яшар экан, турли ҳуқуқбузарликлар, катта-кичик қонунбузарликлар ёки тазйиқ-зўравонлик ҳолатлари умуман бўлмайди, деб айтолмаймиз. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш механизмлари такомиллаштирилмоқда, эҳтимолий хавфларни эрта аниқлаш ва манзилли ҳал этиш тизими яратилмоқда. Тазйиқ ва зўравонликка муросасиз жамият барпо этиш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ёш оилаларни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, талаба-оналар таълимига эътиборни кучайтириш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Жойларда муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни ҳудуднинг ўзида тезкор ҳал этиш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида республика, ҳудудий ва туман-шаҳар даражасида ишчи гуруҳлар ҳамда кенг қамровли тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган.

Айниқса, мазкур ҳужжатда эрта никоҳга қарши курашишга алоҳида урғу берилаётгани жамият учун ниҳоятда муҳим. Чунки эрта никоҳ оғриқли ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Фармонда никоҳ ёшини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига асосланган ҳолда 21 ёшга етказиш орқали ёшларни онгли ва масъулиятли оила қуришга рағбатлантириш назарда тутилган. Шунингдек, 2027 йилдан бошлаб ҳар икки томон камида 21 ёшга тўлганда биринчи марта никоҳ тузган ёш оилалар учун давлат томонидан қўшимча имтиёзлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилиши белгиланган.

Бу ёндашув никоҳни шошилинч қарор эмас, балки тайёргарлик, онгли танлов ва масъулиятга асосланган муқаддас келишув сифатида қарор топтиришга хизмат қилади. Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишда янги, қатъий ва аниқ механизмлар белгилаб берилаётгани Фармоннинг яна бир муҳим жиҳатидир. Хусусан, аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, ҳимоя ордери берилган хотин-қизлар учун тезкор “SOS” чақирув имкониятини яратиш, зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар бўйича жазо муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бундай тоифадаги жиноятларни махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар томонидан кўриб чиқиш амалиётини кучайтириш назарда тутилган.

Бу ўзгаришлар орқали давлат зўравонликка нисбатан лоқайд кузатувчи эмас, балки, аниқ чора кўрувчи ва ҳимоя қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, Фармонда ҳомиладор талаба-қизлар ва ёш оналарга олий таълимни давом эттириш имкониятини яратиш, оилавий низоларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, жинсий жиноятлар бўйича терговни прокуратура органлари ваколатига ўтказиш, агрессорлар билан ишлаш тизимини кучайтириш каби комплекс чора-тадбирлар қамраб олинган.

Бугун мазкур Фармон мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда “Оила ва никоҳ – муқаддас” мавзусида семинар-анжуманлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар шунчаки тарғибот эмас, балки амалий мулоқот майдонидир.

Улар орқали идоралараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб, масъул ташкилотлар вазифалари аниқ белгилаб берилмоқда, ҳар бир ҳолат юзасидан тезкор ва самарали ҳаракат қилиш механизмлари шакллантирилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда.

Юртимизда вояга етаётган ҳар бир фарзанд, айниқса, қиз болаларнинг таълими, ҳуқуқи, орзулари ва ҳаётий танлови қанчалик ҳимоя қилинса, жамиятнинг эртанги куни шунчалик мустаҳкам бўлади.

Фармоннинг энг катта аҳамияти ҳам ана шунда: у аёл ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни миллат келажагини белгилайдиган устувор мезон сифатида намоён этади.

Демак, аёл қадри улуғланган, бола ҳуқуқи таъминланган, никоҳ масъулият сифатида англанган жамиятдагина ҳақиқий тараққиёт ва барқарорлик қарор топади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
Ахборот хизмати

Бош муҳаррир минбари

Фармондан инсонгача бўлган масофа

Оила муқаддас, деймиз. Лекин бу гапни шу қадар кўп такрорладикки, унинг мазмуни айрим ҳолларда шу такрорларда йўқолиб кетгандек. Сабр деб қабул қилинган жимлик, фазилатга айланган чидам, оғриқни яширишга ўргатган тушунчалар – йиллар давомида кўплаб тақдирлар тақдирини белгилаб келди. Аслида эса адолат қонунлар моҳияти билан бирга инсон қалбида ҳам яшагандагина ҳақиқий кучга айланади.

Бугун эса савол бошқача қўйилмоқда: оилани сақлаш муҳимми ёки инсонни асраш? Агар оилани сақлаш учун инсон ўзидан кечса, бу ҳали ҳам муқаддасликми?

Ана шу саволлар жамиятни безовта қила бошлади. Ва айнан шу безовталик – бошқача бир ўзгаришларнинг бошланиши, қадриятнинг қадди тикланишидир.

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қарор ва фармонлар шунчаки ҳуқуқий ҳужжатлар эмас. Улар йиллар давомида кўпларнинг ўз-ўзига берган изтиробли саволларига жавобдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони ана шу жавобнинг қонунда мужассам бўлган, қонунга сингдирилган шаклидир.

Бу Фармон оилани ҳимоя қилади, лекин бу ҳимоя “оила” сўзининг ўзини эмас, унинг таркибидаги инсонларни ҳам ҳимоя қилади. У сабрни қадрлайди, лекин инсонни синдириш даражасигача эмас. У адолатни талаб қилади, лекин кечикиб келадиган адолатни кутиб ўтирмоқчи эмас. Энг муҳими, у муаммони хас-пўшлашга эмас, жамият ва жамоат эътиборини унга қаратишга чақирмоқда.

Бу фикрларни тушуниш учун қонун матни билан бирга ҳаётни ҳам теран ўрганиш керак. Мазкур Фармонда кўзда тутилган масалалар ҳақида ўйлар эканман, хотирамда бир воқеа жонланди.

Марҳамат тумани ижроия қўмитасида “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” бўлимида фаолият юритардим. Эҳтиёж туғилди – бир оилага бордик. Ҳовлида “кўрпа ҳашари”, қиз узатишга тайёргарлик авжида. 9-синфда ўқийдиган вояга етмаган қизнинг никоҳ куни белгиланган.

Қизнинг онаси бизнинг саволимизга хотиржам жавоб берди:

– Нима, ўз боламга ўзим эга бўлмай қолдимми? Яхши, бой-бадавлат оила сўради, розилик бердик. Мен ҳам 16 ёшимда турмушга чиққанман, ўлганим йўқ. Мен тенгиларнинг боласи ҳали этагига ёпишиб юрибди. Насиб қилса, бир йилда набира кўраман.

Бу жавобда ишонч бор эди, лекин ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар хато эди. Қиз шўрликдан ҳеч ким сўраган ҳам йўқ. Қонун аралашди, тўй тўхтатилди. Аммо кўп ўтмай, улар барибир ими-жимида тўй қилишди. Турмуш юклари зўриқтириб жигари хасталанган қизгина йил ўтмай туғуруқ пайти ҳаётдан кўз юмди.

Фақат шундагина ота-она, қуда-андалар жаҳолат жафоларини тушунгандек бўлишди. Афсуски, дилбандининг вафотидан сўнггина уларнинг басир кўзлари очилди. Бошларига муштлашди, аммо энди кеч эди. Ўз қўллари билан экиб, кўкартирган гулларини ўзлари онгсизлик аёзларида сўлдирган эдилар.

Бу ерда фожиа фақат ўлим эмас. Бу ерда фожиа – ота-оналар миясида қотиб қолган мажруҳ тушунчалардадир. Фармон айнан ана шундай ҳали ҳам давом этаётган фожиаларнинг олдини олишга қаратилган. У инсон ҳаётида рўй бераётган ҳар қандай ҳолатни “пешонамга битилгани шу экан” деб қабул қилиб, жим яшашдан, ўзини ўзи абгор қилишдан воз кечишга чақиради.

Ҳужжатда назарда тутилган “SOS” тизими бу ўзгаришнинг энг ёрқин кўринишларидан биридир. Бу шунчаки технология эмас. Бу – “Мен ёлғиз эмасман”, деган туйғуни қалбларга қайтариш учун қилинган мақсадли ҳаракат.

Яна ҳаётий воқеалар эсга келади.

Бир аёл йиллар давомида қўрқув билан яшади. У ёрдам сўрашни биларди. Лекин ҳар сафар ўзини анъаналар қаршисида ожиз ҳис қилди. “Балки, ўтиб кетар...” деган умид ҳам уни сукут ичида сақлади. Бир кеча у қўнғироқ қилмоқчи эди. Онасига, акасига дардини айтишига чоғланди. Аммо эри томонидан қилинган зулм туфайли у тилдан қолди. Аввалроқ овозини чиқарса бўларди, айтса бўларди, қайтса бўларди. Лекин у андиша қилди. Болаларим бор, эл нима дейди, дея тилини тиши ортида тутди.

Энг огири овознинг сукутга айланиши эмас эди. Энг огир вазият – овознинг шу ҳолатда қотиб қолгани.

"SOS" ана шу сукутга овоз берувчи, уни инсон қадрига хизмат қилдирувчи воситадир. Мазкур Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати тушунчалар билан ишлашдадир. Чунки муаммо кўп ҳолларда қонун йўқлигидан эмас, балки мавжуд қонунларнинг нотўғри англанишидан келиб чиқади.

"Чидаш керак", "бу ўтиб кетади", "оилавий иш" деган фикрлар йиллар давомида зўравонликни ўраб турган қобиққа айланиб келди. Шунинг учун ҳам бугунги ўзгариш фақат ҳужжатларда тўхтаб қолмасдан, тафаккургача етиб бориши, яшаш тарзига айланиши керак.

Фармонда унинг ижроси ва тарғиботига оммавий ахборот воситалари, блогерлар, ижодкорларни жалб қилиш белгиланган бежиз эмас. Чунки жамият фикри ўзгармас экан, ҳар қандай кучли қонуннинг ҳам таъсири тўлиқ сезилмайди.

Маҳалла тизими, таълим муассасалари, жамоатчилик билан ишлаш – буларнинг барчаси бир занжирнинг ҳалқаларидир. Чунки зўравонликка қарши курашиш фақат жазо билан эмас, эзгуликка даъват этиш, тушунтириш ва тафаккурни уйғотиш билан бошланади.

Бу фақат зарурий ҳужжат эмас, бу жамиятга берилган имкониятдир: сукутни парчалаш учун, қўрқувни енгиш учун, бир сўз билан айтганда, оилани инсонга муносиб қилиш учун берилган имконият.

Бу ўзгаришлар инсонлар тақдирида янги босқични бошлаб бермоқда. Энди гап фақат муаммони тан олишда эмас, балки уни ҳал қилишга келиб қолди. Энди гап фақат қонун яратилишида эмас, балки уни ижро этишда, унга жон бахш этишда, уни тирик қадриятга айлантиришдадир.

Агар бир аёл ўзини ҳимояланган деб ҳис қилса, демак, бу қонунлар ишлаяпти.

Агар бир қиз ўз тақдир йўлини ўзи танлай олса, демак, бу қонунлар ишлаяпти.


Агар бир оилада сукут ўрнини мулоқот эгалласа, демак, бу қонунлар ишлаяпти.

Лекин энг муҳим савол ҳали ҳам катта сўроқ белгиси билан рўпарамизда турибди: Биз



Хосият БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Қайда бўлсам фақат ойдин сўз айтдим



Токи адабиётимизнинг улуғлари шеърлар тўла дафтарим билан шеърият ишқи тўла қалбимни Ойдин опанинг меҳр, эзгулик тўла бағрига топширгунларича улар билан учрашмаган эдим. Фақат шеърларини ўқигандим.

1974 йилнинг илк баҳорида учрашдик. Ойдин Ҳожиева "Шарқ юлдузи" журналида ишлардилар. Арзимаган машқларим билан олис қишлоқдан келиб, сўзи ҳам, ўзи ҳам, таъби ҳам нозик бир аёлнинг вақтини олаётганимдан хижолат бўлиб ўтирардим. Опа ширин сўзлар айтиб, дафтаримни олиб қолдилар. Кўп ўтмай машқларим бир неча газета ва журналларда эълон қилинди. Бирдан Хосият Бобомуродова бўлиб қолдим. У пайтларда компьютерлар йўқ, машқларим қўлда ёзилганди. Ўнлаб шеърларни машинкада кўчиртириш, таҳририятларга элтиб топширишнинг, натижасини сўраб туришнинг ўзи бўладими?!

Бунинг учун меҳнат, фидойилик, тоза қалб керак бўлишини ўша пайтларда тушунмаган ҳам эдим. Бора-бора Ойдин опа маънавий ҳомий, меҳрибон устозим, қадрдон опам, сирдош дугонамга айланди.

Биринчи шеърий тўпламим ҳам опанинг синчков нигоҳларидан ўтди.

Ойдин опанинг нозик табиати шеърларига ҳам, асарларига ҳам кўчган. Босар-тусарини билмай қолган туйғулар селини ўта моҳирлик билан жиловлаб, ўзанига солиб, майин жилдиратади.

Ҳеч қачон ортиқча сўз айтмайди. Бекорчи фикрларни аралаштирмайди. Барча ёзганлари ойдин ва тиниқ. Ният қиладиган жойидан тутадиган, тутган жойидан кесадиган сўзларга юклатилган фикрлар. Биз – шогирдлар ҳамиша пардозланмаган сўзларимиздан опанинг олдида хижолат чекиб, уялиб турамиз. Мен ҳаммасидан аввал устоз ва дўст Ойдин опа ҳақида гапирмоқчи эдим.

Опам ҳамиша оилам тинчлигини, фарзандларим камолини меҳр ва талабчанлик билан кузатадилар.

Ота – оиланинг таянчи эканига нозик лутфлар билан ишора қилардилар. Яхши кунларимда ҳамиша ёнимда турганлар. Улар ёнимда бўлганларида ортимда тоғ суяб турганидай хотиржам тортиб қолганларим, кўни-кўшним, қариндошларимнинг ҳаваслари... Невараларимга исм танлаганлари. Бошим ёстиққа етган дамларда тушимга кирдингиз, тинчмисиз, деб қўнғироқ қилишлари, омадларимдан суюнишлари...

Бу чиройли хотираларнинг қайси бирини айтсам экан... Бу каби фидойиликлар бир менга эмас, юртимиздаги барча ижодкор қизларга кўрсатиларди. Ижодкор аёл қалбининг нозик томирчалари келиб, "Саодат" даргоҳида туташади. Бу ерда Ойдин опа интилиб, топиб келганларнинг барига ўзига хос сўз топарди.

Опа ҳеч кимнинг хатини беэътибор қолдирмайди. Эринмай мактублар йўллар, вақтини қизғанмайди.

Ойдин опанинг хотираси жуда кучли. Ўзлари ёзган барча шеърларни ёд билгани камдай, шогирдларининг ҳам яхши мисраларини эслайдилар. Соатлаб шеър ўқийдилар. Опа билан мамлакатимизнинг олис-олис масканларига шеърият кечаларига бирга борганмиз. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятларида қизғин давралар, мухлисларнинг олқишларига, опанинг кўнгилни эритиб юборадиган чиқишларига гувоҳ бўлганмиз.

Ойдин опа "Саодат" аталган қутлуғ минбарни нур, зиё, меҳр билан ёритиб тургани боис, минглаб аёл қалби гоҳ мактублар, гоҳ қўнғироқлар орқали, гоҳ ташриф буюриб энг нозик розларини шу жойда изҳор этадилар. Келгувчилар дардларини, орзуларини уларга ишонадилар ва яшамоққа иштиёқ билан ортига қайтадилар. Гоҳо масъулиятни унутиб, узоқ вақт бепарво кетамиз биз – шогирдлар. Ойдин опамиз бизни излаб топадилар. Ё мактуб, ё қўнғироқлар бизни излаб келади. Хосият (Самарқанд), Дилбар (Наманган), Мақсуда (Олтиариқ), Энахон (Фарғона), Бахшанда (Бухоро), Сайёра (Хоразм), Баҳор, Ойниса (Сирдарё) (бу рўйхат уз-у-н) қаердасизлар, нега жимсизлар деб безовталанадилар. Биз уларнинг меҳрини табиий ҳолдай қабул қиламиз. Шу фидойи қалб эгасини авайлашни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Кўзга кўринмас занжирлар билан боғланган қалъамиз борлигига суюниш ҳам хаёлимизга келмайди.

О, менинг устозим, опажоним, меҳрибоним! Сизнинг борлигингиз менга ва мен кабиларнинг ҳаётига қанчалар ёруғ нур олиб кирди. Қанча чалкаш йўллардан етаклаб чиқди.

Қизилтепанинг Хожайи Бўстонида, ҳаммамизнинг қисматимиз бўлган пахта пайкалларига қоришиб, сигир



боқиб, ўт териб юрган қизалоқ, акаси, отасидан айрилиб, онаси, опалари кўмагида бўй чўзган навниҳол қиз, қишлоқ қизи қандай қилиб шеърият бўстони маликасига, элининг эрка қизига, халқ шоирасига айландингиз?!

Бу йўлларда қанча жасорат, меҳнат, истеъдод керак бўлди?!

Сиз аёл умрида “ялт” этган учқунларни илғаб, улар ҳақида ярим асрдан буён ҳассослик билан куйлайсизу биз ёнимизда турган сиз чиноримиз ҳақида ёзишни ҳам ўйламабмиз.

Сиз кийиниш, сўзлаш, оила тутиш, сафар қилиш, ижод бобида ҳамиша, ҳаммамизга ибрат, беминнат мактаб бўлиб, дарё каби меҳр тутиб яшаганингиз биз – замондошларингиз учун омад эканини сезмабмиз.

Қайда бўлсам фақат ойдин сўз айтдим,
Шаънингни бамисли чанқовуз айтдим.
Мен – Ҳожи бобонинг супрақоқдиси
Ой бориб бағрингга ёруғ юз қайтдим.
Мадҳингни бамисли чанқовуз айтдим!–

деб, дилни орзиқтириб юборадиган эрка сўзлар айтасиз, қишлоғингизга битган салом хатингизда. Аллаларингиз, айтишларингиз, келинсаломларингиз, истиқлол ҳақидаги олов мисраларингиз бунча гўзал, бунча халқона, бунча ўзбекона!

Отам, онам, жигаргўшам,
Қадрим, аслим, юз андишам,
Байрамингга жоним қўшам,
Ўлсам энди армоним йўқ! –

деб айтишга минг бора ҳақлисиз. Ҳамманинг дилидагини бунча аниқ топасиз, опажон! Сиз ўтган, ўтаётган сўз йўли ҳаммамизнинг йўлимиз, қисматимиз, тақдиримиз:

Овчилар қирма-қир из излаб юрар,
Совчилар уйма-уй қиз излаб юрар,
Ҳар кимни ҳар кўйга солмиш худойим,
Шоирлар дилма-дил сўз излаб юрар.
Гарчанд товонларни куйдиргайдир чўғ,
Гарчанд кўксимизни излаб юрар ўқ,
Сўз излаб келганмиз бизлар дунёга,
Шу сўзни топмайин уложимиз йўқ!

Сўз излаш қисмати билан ғолиб яшаётган опажоним, омад ҳамиша сиз тарафда бўлган ва яна бўлаверишига ишонаман!

Ушбу дил изҳорлар битилганда, 2011 йил эди. Устоз Ойдин Ҳожиева ҳаёт эдилар. Шеърият боғлари Ойдин опадек маликаси билан гўзал ва кўркам эди.

Бир йили Қашқадарё вилоятида бўлган учрашувларга Ойдин опа Қутлибека Раҳимбоева иккимизни бирга олиб кетдилар. Бир туманнинг мажлислар залида фаоллар билан учрашувлар бўлаётган эди. Опажон олқишлар билан сўзларини тугатдилар Қутлибека дугонам ҳам ўзининг фидойи, куйинчак шеърлари билан даврани сеҳрлади. Менга навбат келганида, опа: – Хосият, “Ватан ягонадир”ни ўқинг, – дедилар. Устоз амри – вожиб, хўп, дедим:

Дерлар, ширин сўзнинг гадолари кўп,
Ёниб турган кўзнинг адолари кўп,
Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп, –

шу ерга келганимда, опа менга тўхтанг, дедилар ва залга мурожаат қилдилар:

– Келинглар, тўртинчи сатрини бирга айтамиз, – ўзлари биринчи бўлиб бошлаб бердилар:

– Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Ойдин опанинг майин, тиниқ, ўктам овозига бутун зал гуриллаб, жўр бўлди. Деразалар зириллаб, бошим айланиб кетди.

Опажонима, шу ерда ҳам менга меҳрини, халқ қалбига кириш йўлини кўрсатдилар! Сўнг узоқ йиллар: – Фаоллар, раҳбарлар, ВАТАН дея, зўр ҳайқиришди-да, менинг Хосиятимга эргашиб, – деб гапириб юрдилар. Ҳозир синф хоналарида, аудиторияларда, катта залларда бу ҳайқириқ янграганда, кўз олдимга устознинг азиз сиймолари келади, келаверади.

Бу йилги байрамимизда Юртбошимиз қўлларидан юксак мукофотни олар эканман, кўз ўнгимда яна синчков устозимнинг нурли қиёфаси гавдаланди. Менга йўллаган мактублари, шеърлари хаёлимда қад ростларди. Чиройли имлода битилган:

Кўнглимдайин кўнглим менинг,
Самарқандда синглим менинг, –

дея бошлангувчи шеърлари, нозик имолар билан койигувчи хатлари... Барчаси бирзумда хаёлимдан ўтди. Кўзларимга ёш келди... Шу дамларда ёнимда бўлсангиз эди, дея юрагим орзикди. Ёнимда бўлмасангиз ҳам, ҳамиша ёдимиздасиз, азиз устоз. Оилангиз обод бўлсин!

www.saodat

УСТОЗ ИЗИДАН

Ана шу дов... ҳаракатла-
ги ҳаётнинг м... зида етмиш
қолган, умри-
нинг қарийб ярим асрини бир
соҳа – пиллачилик ривожига
бахшида этиб келаётган
Зубайда Пардаева тирибди,
десак янглишмаган бўламиз.

Унинг фидойилик билан
қадамлаб келаётган йўлла-
ри оддийгина ҳикоя эмас. Бу
меҳнат билан ёзилган тақдир,
авлоддан авлодга ўтиб кела-
ётган мерос касбга садоқат,
қишлоқ аёлининг матонати ва
сабрини ўзида жамлаган тирик
достондир.

Бугун пиллачилик соҳаси замонавий босқичга кўтарилмоқда. Янги гибрид навлар, сунъий даслалар, замонавий қурилмалар меҳнатни енгиллаштирмоқда.

Ўстаравул маҳалласида ҳар тонгда ҳаёт гўё янги сайёҳдан бошланади. Дўнгкса. апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида бу манзара янада бошқачарок кўринишга олади. Тутзорлардан гуркираган барглариинг хушбўй ҳиди нам тупроқнинг илик нафаси билан қоришиб, атрофга ўзгача хаво бағишлайди. Сўкичакларга ёйилган ипак қуртларининг шитир-шитири тирикликнинг янги фаслини бошлаб келгандай бўлади. Энди бу ерда вакт бошқача ўтади: ҳар бир кун меҳнат билан бошланади, ҳар бир соат



достондир.

Зубайда опа бу машаққатли меҳнат оламига жуда эрта кириб келган. Онаси Ойша Маҳкамбоева пиллачиликда ном қозонган, бу борада кўпларга устозлик қилган аёллардан эди.

– Онамнинг ёнида юриб, пилла қуртини парваришлашни ўргандик. Барг териш, озуқа бериш, ғанаш, кўпайган сари сўкичакдан сўкичакка бешикаст олиб ўтиш – буларнинг барчаси ўз меҳнатимиз бўлиб қолган, – дейди Зубайда опа умр йўлларининг меҳнат билан қадр топган йилларини эслар экан.

Бироқ бу йўл фақат гуллар билан безалмаган эди. У отасидан эрта айрилди. Онаси элликка кирмай бева қолиб, ўн нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялашга бел боғлади.

Тирикчилик юкининг оғирлиги болалар елкасида ҳам сезилди.

– Апрель ёмғир фасли эмасми, ипак қуртининг эса кун сайин иштаҳаси очилади. Осмонинг билан ҳам, ёмғиринг билан ҳам иши йўқ. Тутзорлардан шаблаббо бўлиб қайтамиз. Баргларни қуритиб, майдалаб қуртларга берамиз. Ўти ўчмайдиган печкалар ёнига ёйиб қуритамиз. Ипак қурти кичкина бўлса-да, кўнгли нозик, – дея бу меҳнатга бўйин эга бошлаган даврларни хотирлайди пиллакор аёл.

Тўрт хонали уйларининг ҳаммасида қурт боқилган, оила аъзолари эса супада тунашган. Аммо бу қийинчиликлар уларни заҳматдан бездирмади. Аксинча, оила аъзоларини меҳнат юкин... равар кўтаришса, юк анча енгил бўлади, деган ... ага ўргатди. Бир мавсумда 400-450 килограмм пи... топшириш эса ўша йилларда энг улкан ютуқ эди...





Пиллакорлик улар учун мавсумий юмуш бўлиб қолмади. Опалари Қизилгул, Ойзодалар ипакчилик йўналишида таҳсил олди. Айниқса, раҳматли Қизилгул опасининг ўгитлари Зубайда учун ибрат мактабига айланди.

Мактабни битираётган пайтда унга совчилар кела бошлади. “Қизингизни келин қилсак, албатта, ўқитамиз”, деган ваъдалари қиз учун ёқимли туюлди.

Қайнонаси Ўғилой опа, қайнотаси Шомурот ота ва турмуш ўртоғи Суннатилла ака келинчакнинг ўқиш ҳақидаги истакларига қарши боришмади, аксинча, уни қўллаб-қувватлашди. Зубайда опа ипакчилик соҳасида таҳсил олиб, илм ва амалиётни уйғунлаштирди.

Саксонинчи йиллар бошида оддий ишчи сифатида бошланган меҳнат йўли йиллар давомида уни етук мутахассис даражасига кўтарди.

– Устозим Ўлмас опа Абжалова ҳам менга бу касбнинг сир-асрорларини ўргатган. У кишидан тезкорликни, машаққатларга чидамни ўргандим, – дейди у миннатдорлик билан.

Кейинчалик у туманда пиллачилик соҳасининг етакчи вакилларидан бирига айланди. “Янги Тўлқин” ҳудудида бригадир сифатида ишлаб, ўнлаб пиллакорларни атрофига бирлаштирди. Пиллачилик шунчаки касб эмас, бу сабр мактаби. Қуртларнинг 30-35 кунлик умрида ҳар бир соат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хонани тайёрлаш, ҳавосини ғуборлардан тозалаш, айниқса, баргни ёшига қараб турли ўлчамларда ўз вақтида етказиш – барчаси юксак масъулият талаб қилади. Қуртлар катталашган сари меҳнати ҳам ортиб боради.

Бугун пиллачилик соҳаси замонавий босқичга кўтарилмоқда. Янги гибрид навлар, сунъий дасталар, замонавий қурилмалар меҳнатни енгиллаштирмоқда. Аммо йиллар давомида бу ишнинг ҳадисини олган пиллакор яхши билади: технология қанчалик ривожланмасин, пиллачиликнинг юраги инсон меҳнатидан куч олиб, уради.


Бу анъана Зубайда опанинг оиласида ҳам давом этмоқда. Фарзандлари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмоқда, келини билан елкадошликда оилага келадиган баракани оширмоқда. Набиралари ҳам замонавий билимлар олиб, янги даврга муносиб бўлиб улғаймоқда.

– Биз оқлик билан боғлиқ меҳнатни севамиз. Чунки шу йўлда иззат топдик, рўзғор тебратдик, – дейди у шукрона, айни дамда фахр билан. Опага тақдирнинг сийловлари ҳам, аччиқ синовлари ҳам бўлди. Опаси Қизилгул ўз соҳасида камолга етган пайтда оламдан ўтди. Яна бир опаси Ойзода Худойбердиева эса бундан ўн йилларча аввал “Дўстлик” ордени билан тақдирланиб, бугун ҳам моҳир пиллачи. Зубайда опанинг меҳнати ҳам муносиб эътироф этилди. У “Шуҳрат” медали ва жорий йилда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бу йил ўртачирчиқлик пиллакорларга 160 қути ипак қурти тарқатилди. Режага кўра, 9 тонна 600 килограмм пилла етиштириш кўзланган. Бу – юртимиз иқтисодида яна юксалиш, дегани. Кумуш толалар ўрамларининг улканлашуви, қиз-жувонларимиз эгнида ипакларнинг ял-ял ёниб, гўзалликнинг умри узайиши, дегани. Албатта, бу кўзда тутилган баланд хирмонда қаҳрамонимиз каби фидойи инсонларнинг ҳиссаси, шубҳасиз, беқиёс.

Ўрта Чирчиқ туманининг Ўртаовул маҳалласида ҳали ҳам тут барглари ўз лаҳжасида шитирлайди. Бу товушнинг сабр, чидам, заҳматга чорлов эканини айнан шу соҳага Зубайда Пардаевадек умрини тикиб яшаб келаётганлар яхши билишади.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Саодат” журналининг
Тошкент вилояти мухбири



ЧИРОҚЛАРИ порлаган уйлар

Наманган шаҳридаги Юсуфжон ака Инамов оиласини кўплар энергетиклар сулоласи сифатида яхши билади. Оила сардори Юсуфжон ака қирқ йилдан зиёд вилоят электр тармоқлари корхонасида муҳандис-электрик бўлиб меҳнат қилган. Умр йўлдоши Заҳрохон опа билан осойишта ҳаёт кечириб, тўрт нафар фарзандларини комил инсонлар қилиб вояга етказган. Бугун уларнинг барчаси олий маълумотли, касб-корли, оилали бўлишган.

Фарзандларидан Акмалжон ва Акрамжон ҳамда кенжа қизи Наимахон ота изидан бориб, энергетиклик касбини танлашди. Тўнғич қиз Наргизахон она касбини давом эттириб, педагог бўлди. У шаҳардаги 42-сонли умумтаълим мактабининг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси.

Ота-она дуосию розилигида ҳикмат кўп, дейди улуғлар. Дуолар фарзандларни юксалтиради, эл ичида азиз қилади.

– Ота-онамиз бизларни болалигимиздан бошлаб ўқишимиз, билим олишимиз, ҳатто касб танлашимизга ҳам эътиборли бўлишган. Орзуларимизни тўғри йўлларга солиб юборишган, – дейди Наимахон.

... Шаҳардаги 7-сонли ўрта мактабни тугаллаш арафасида ўзи орзу қилган иқтисодчи бўлиш ҳаракатига тушиб қолган қизалоғига Юсуфжон ака: “Она қизим, иқтисодчилик ҳам жуда мураккаб, мушкулиятли, мураккаб соҳа. Сиз, яхшиси, оғайнингиз каби ота касбини давом эттиришга ҳаракат қилинг. Пушаймон бўлмайсиз. Энергетика – мутта-ҳам тараққий этиб борадиган, инсонларнинг доимий эҳтиёжидаги соҳа, уддаласангиз сира пушаймон бўлмайсиз. Хонадонларга нур олиб киришингиз уларнинг қалбларини ҳам ёритишингизга сабаб бўлади”, – дейди.

Наимахон отасининг сўзини икки қилмади, акаларининг ҳам шу соҳада кам бўлмаётганлигини ўйлаб, ҳужжатларини Наманган индустриал техникумига топширди. 2000 йилда мутахассислик дипломини қўлига олгач, вилоят электр тармоқлари корхонасида фаолиятини бошлади.

Бугун "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти "Наманган магистрал электр тармоқлари" филиали Диспетчерлик технологик бошқарув воситалари хизмати электромонтёри Наимахон Инамова жамоада фаолият юритаётган ягона аёл ҳисобланади. Унинг иш жойи – Давлатобод туманининг Қўқимбой шоҳкўчасида жойлашган юқори кучланишли "Сардор" подстанциясида. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси вилоят ҳудудига тақсимлаб берилади. Махсус қурилмалар "тили"ни яхши биладиган қаҳрамонимизнинг вазифаси подстанцияда қайсидир тармоқни ўчириш ёки ёқиш лозим бўлганида диспетчерлар билан тезкор алоқани таъминлаб беришдан иборат.

У танлаган соҳасининг нозик ва мураккаб эканини талабалик давридаёқ англаган эди. Бу тасаввурларини тажриба билан уйғунлашишида устозлари – Отамирза Солибаев ҳамда Баҳромжон Турсуновларнинг хизматлари катта бўлди. Наимахон китобларда келтирилмаган билимларни уларнинг мукаммал тажрибаларидан ўрганди.

– 6-разрядли электромонтёр Наимахон Инамова ўз ишига жуда масъулият билан ёндашади. Унинг зиммасига юклатилган вазифани ҳамма ҳам талаб даражасида уддалай олмайди, – дейди филиал муҳандиси Дилшод Тошпўлатов.

Бу уддабурон аёл радиорелели, телемеханика, юқори частотали ҳамда шиша толали алоқалар, бундан ташқари, АТС қурилмаларининг мунтазам ишлаши учун масъул ҳисобланади. Мутахассислиги бўйича кучли билим, тажрибага эга, замонавий ахборот технологияларидан ҳам яхши хабардорлиги унинг соҳадаги ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаши учун асос бўлди. Йигирма олти йиллик танаффуссиз фаолият унга кўп нарса берди. Самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, ўтган йили "Энергетика фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мамлакатимизда энергетика соҳаси сўнгги йилларда жадаллик билан тараққий этмоқда. Ислоҳотлар самараси ўлароқ тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй бераяпти. Жумладан, "Наманган магистрал электр тармоқлари" филиалида ҳам АСК, ТМС каби эски авлод алоқа қурилмалари ўрнига янгилари ўрнатилди. Мутахассислар малакаси ҳам мунтазам ошириб борилмоқда.



– Касбимни жуда яхши кўраман, – дейди Наимахон. – Ҳар куни эрталаб ишимга йўл оларканман, дадамнинг дуоларини, устозим Солижон Тошбоевнинг "Дарахт бир жойда кўкаради, қизим", деган сўзларини эслайман. Тўй ёки бошқа давраларда кимдир қаерда ишлашим ҳақида сўраса, фахр билан электромонтёрман деб айтаман. Ажабланишади ва: "Нега эр кишиларга хос касбни танлагансиз?" – дейишади. Мен эса ғурур билан "Отам севган касб, акаларим улуғлаётган соҳа, ўзим ҳам кам бўлмадим бунда, бахт, қадр, ҳурмат топдим", – дейман.

Наимахон билан суҳбатлашиб, зерикмайсиз. Кўп китоб ўқиши, сўзамоллиги, дунёқарашининг кенглиги, самимийлиги суҳбатдошини ўзига тортиб туради. У зиёли оилага келин бўлиб тушди, қайнотаси Неъматжон ака ва қайнонаси Онахон аялар тақдир уларга меҳрибон, дилкаш, пазанда, фидойи, жонсарак келин ато этганидан беҳад қувонадилар.

Наимахон умр йўлдоши Жамолхон ака билан биргаликда фарзандлари Юлдузхон, Саидахон, Жавоҳирбекларни эл корига ярайдиган солиҳ инсонлар этиб тарбиялади.

Наимахон каби аёллар бор экан, қалбларимиздаги яшашга бўлган иштиёқ, куч, шижоат, эртанги кунга умид ҳар баҳорда куртак ёзган ниҳоллардек қайта-қайта уйғонаверади!

Шаҳло Т[illegible]
"Саодат" ж[illegible]
Наманган вилояти[illegible]

ЖАВОҲИРИМ

Бадиҳа



Йўлларимга нигорон бўлган онам, онажонгинам!

... Айниқса, баҳор кезлари йўлимга бесабрлик ила кўз тикар эдинг.

– Олчалар гулин тўкмай туриб, кела қолса эди.

– Оҳ, олмалар шундай гулга буркандики, тезроқ келса эди.

– Вой, анорзор ажаб гуллади-я, кечикмасдан келса эди, кўрса эди.

Оҳ, онам-а.

Бугун алвонгулларга бурканиб, лов-лов ёниб турган анорзор ичра кезаману юрагим ловуллайди, она.

Кўнглинг илиб кетган пайтларда: "Шеърларингдан битта ўқиб бер", дегувчи эдинг. Уялармидим, тортинармидим... Ийманиб, шеър ўқимас эдим.

Минг афсус, энди фақат хаёлан шеърлар ўқиб бераман сенга, она.

Аламли армонларим туман-туман, қайбирини айтайин.

Сенга айтадиган, сен ҳақингда ёзадиган сўзларим шунчалар кўпки.

Бу кунгача не айтдим, ёза олдим – буларнинг бари машқ, айтиш йўлидаги уринишларгина, холос, она!

Умрим гоҳ сой каби шошқин, гоҳ эса вақтнинг бир кеча-кундузи асрдек, аср!

Гоҳ шамолдек учқурман. Гоҳ оёқларимга оғир юк осилиб олгани-олган.

Унсиз-унсиз берган ўгитларинг маъносига гўё энди етаётганга ўхшаётирман.

Заволим недаю камолим қайда? Сўзласанг, сўзлай қолсайдинг. Менинг жило берилмаган жавоҳиргинам...

Сен айтган сўзларинг ва фикрларингни эслаганим сари топилмалар топиб олаётгандекман.

Жамлар жам бўлган бўлса-да, кўнгиллар жамулжам бўлолмаган жамоатдан дилгир ҳолда қайтар эканман, яна туганмас эртаклар олами томон хаёлан учиб кетдим.

Тошкент "Олой" бозорининг ўша йилларда энг серхаридор неъмати бўлган пуштиранг, чойнакдек келадиган помидорлари бизнинг полизда ҳам етиштирилар ва "Олой" савдо маркази пештахтасини безар эди.

Полиз оралаб экинга меҳр билан ишлов берар чоғинг маҳаллада бўлаётган аёллар йиғинига бормаганинг сабабини изоҳлаб, шундай деган эдинг:

– Одамлардан қочиб юраману, аслида одам излайман.

Ҳорғин ва ўйчан кўзларингга қараб туриб, бу кўзгуда ўқилмаган қанча китоб борлигини билгандек бўлардим гўё.

Тиш-тирноғинг билан меҳнатга шўнғишларинг ортида ризқу рўз топишдан-да чуқурроқ маъно кўргандек бўлаверардим.

Боғингдаги ҳар бир дов-дарахт, гулу буталар, ҳаттоки, қора тупроқ ила инсон билан сўзлашгандек мулоқотда бўлишингни кузатар эканман, ҳайрат ичра қолиб кетардим.

Ҳовлимизда парваришланадиган барча уй ҳайвонлари билан тил топишиб, гаплашишларингни кўрган пайт тилсиз жониворларга нисбатан меҳринг, эътиборинг, уларни бу қадар тушунишинг ва ажабланарлиси, уларнинг ҳам сени тушунишларига қойил қолардим.

* * *

Биласанми, онагинам, яқинларим менга мурувват этишди.

– Энди бизни деб эмас, ўзингиз учун яшанг!

– Бу ёғига ўзингизни аяб, фақат кўнглингизга қулоқ тутинг.

– Бас, етар! Ёлғиз ўзингни ўйлайдиган фурсат етди, ўзинг учун яша!

Кетма-кет айтилган бу илтифотлардан яйрашим керак эди.

Лекин ўзим учун яшаш не эканин англолмай, гўёки қалин туман аро қолганга ўхшайман. Фақат ўзимни ўйлаш тушунчаси ақлу шууримга сиғмаётир.

Дарё тўлқинлари зарб ила қирғоққа улоқтириб юборган бир хасдек, йўқ, йўқ, сувсиз қолган балиқ каби аҳволим.

Биргина сийловда шунчалик зарб бор бўлса, унда иддаою озорларга қандай бардош бериб, чидадинг экан-а, онажон ?!

Умр ўтгани сайин энг катта бойлик хотира эканлигини англаб етар экансан, киши.

"Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" дастури бошланадиган пайт барча ишларни чоккага суриб, ҳаммамизни – то қўшниларгача телевизор қаршисига чорлардинг. Кўрсатув давомида ҳеч кимга билдирмайгина кўз ёшларингни артиб олардинг. Дастур тугагач, ҳар гал шундай, ҳаётий воқеаларни экранга олиб чиққан инсонларнинг ҳақларига ихлос билан дуо қилардинг.

Эсимда, радио тинглаб меҳнат қилишни хуш кўрардинг. Маънавий-маърифий эшиттиришлар жонингга жон киритарди гўё. Ботир Зокиров ва ё Таваккал Қодиров қўшиқлари янграган чоғларда кетмон дастасига таяниб, хаёл сурганингча қотиб турардинг. Худди ҳов ўша томорқа четидаги эски дарахт шохлари ичра булбул сайраган пайт уни чўчитиб юборишдан тийилганинг каби хонанда ўз ноласини тугатгачгина янги куч-ғайрат билан юмушингни давом эттирар эдинг.

Арифметика, математика, алгебра – буларнинг яхлит номи сенинг учун ҳисоб фани деб аталарди. Шу ҳисоб фанига менда қизиқиш пайдо бўлишини жуда хоҳлардинг. Қуёшнинг баланд тафти ёки ойнинг шуъласи остида қўлимда адабиёт китоби билан ўтирганимни кўргудек бўлсанг, бош чайқаб, такрору такрор дер эдинг:

– Адабиёт одамни адо қилмагунча қўймайди.

У пайтлар кўнглимда адабиётга меҳр, қўлимда эса ҳар куни адабиёт китоби бўлса-да, сўзларинг маъносидан олис эдим, назаримда.

Экинзорда танҳо меҳнат қилаётган чоғларинг паст овозда маҳзун ашула хиргойи қилиб, ишлар эдинг. Зийраклик ила қанчалик қулоқ тутмайин қўшиқ муаллифи ким эканин топа олмасдим.

Кейинчалик шунга амин бўлдимки, ўшал вақтлар ичингда мангуга кўмилган ғуссаларинг изҳори хиргойи бўлиб, еру кўк аро чарх ураётган ажаб онларни кузатган эканман.

Олтиндан аъло ўша лаҳзалар ҳароратини туйган жону жаҳоним яна тўлқинланди, она!

Маҳшар кун умиди
дардимга малҳам,
Онажон, онажон,
онажонгинам.

Йиллар кетидан йиллар ўтар экан, қалбим аро ҳар бир ўтгиларинг қат-қатида адабиётнинг сеҳрли боғистони ўз ифорини баралла таратаётганга ўхшайди.

Мени ҳисоб илми олими бўлишликка кўп бора ундаган бўлсанг-да аслида соддагина, одмигина рафтору гуфторингда, қалбингда адабиётнинг мўъжизавий ёлқинлари ёғду сочиб турганлигини кўраётгандекман. Овозинг қулоқларим остида янграб тургандек гўё:

– Адабиёт одамни адо қилмагунча қўймайди...

Хаёлга берилиб, кўзларимни юмиб, эски макону замонга қайтар эканман, негадир "Адабиёт" деганингда, "Ишқ" демоқчи бўлганлигингни ҳис этгандек бўламан.

Оҳ, шеърларин аёну баён этмаган, шоирим. Қачонлардир ўқиганим ҳикмат ҳозир яна қайта ёдимга тушди, онажон:

"Бир [illegible]он кечаю кундуз Яратганга нола этармиш:

– Ё [illegible]им, Сени кўрмоқ истайман, кўриниш бер ё Раб!?

Ва [illegible]й лаҳзаларнинг бирида қулоқларига сас келмиш:

– [illegible]у кўриниш берурман. Аммо сен мени таний олурм[illegible]н?!

Ҳ[illegible]инг ривожи шу жойига етганида дилим энтикиб [illegible]она!"



"Дод" солиб йиғлагим, ўзимдан ўзим қочиб кетгим келди, қочгим...

Наҳотки, таний олишим учун Сен бу дунёни тарк айлашинг лозим эдими, она?!

Оҳ, бу олам аро мен каби нобиною басир яна қайда бор?

Айт, қайда бор?!

Хўжанднинг "Тути калон" номли қадимий маҳалласидан сандиқ тўла китоблари билан чиқиб кетиб, Хўжанду Ўш орасида кўп йиллар сарсону саргардон бўлган ота-боболаринг тўғрисидаги изтиробли ҳикояларингни жон қулоғим ила тинглардим (шундай замонда, омон-омонда бу икки ёндош дўст – тожик ҳамда қирғиз халқи сарҳадларининг айрим музофотларида бўлиб ўтган ўзаро кескин тўқнашувларни, хайриятки, сен кўрмадинг, она!).

Юрт қадри борасида сўз кетгудек бўлса, юрагинг тўкилиб кетарди.

Бир гал иккимизнинг суҳбатимизга халақит бериб, ўзга тилда чуғурлашаётган қизалоқларимдан ўзбек тилида гапиришларини қатъий талаб қилгандинг.

Шафқат илинжидаги нигоҳларимга жавобинг шундай бўлганди:

– Қай манзилу маконда яшасанг ҳам токи она тилингда сўзлаб, фикр юритар экансан, демак – Ватанни ўзинг билан ҳамиша бирга олиб юра оласан, шуни унутма!

Ҳа, она! Бугун билганим шулки, ўз тилимда сўзлашим, фикрлашим боис, сен борсан.

Сени ҳамиша ўзим билан бирга олиб юрибман. Ажралмас бир бўлагимсан.

Суюкли Ватанимсан, онажонгинам.

Солиҳа АЛИМОВА,
шоира,
Тожикистон Республикаси

www.saodat[illegible]

ЧОЛҒУНИ СЎЗЛАТГАН ИСТЕЪДОД

Нозик бармоқлари билан фортепиано клавишларини ҳаракатга келтирган ижрочи баъзан сўзсиз ҳам инсоннинг бутун бир ички оламини, қалб тубидаги ҳиссиётларини ифода эта олишга қодирдир. Мусиқий товушлар орқали айтилган бу ҳикоялар инсон юрагининг энг нозик туйғуларини уйғотиб, санъатнинг жозибадор оламига етаклайди. Ана шундай мусиқий маданият ва юксак ижро маҳорати соҳибаларидан бири фортепиано ижрочиси Элнура Мирзакамаловадир.

Алломаларимиздан бири: “Мусиқа – бу шунчаки товушлар эмас, у инсон қалбининг овозидир”, – дея жуда чиройли таъриф берган. Мусиқа инсон қалбининг энг нозик торларини чертадиган, унинг ички дунёси ва ҳис-туйғуларини ифода этувчи беқиёс санъатдир. Баъзан инсон айта олмаган фикр ва кечинмаларни ҳам мусиқа орқали англатиш мумкин. Шу боис у азал-азалдан инсон маънавий оламининг ажралмас қисми бўлиб келган. Айниқса, ижрочилик санъатида мусиқий тафаккур, фикрлаш ва талқин этиш масалаларига бугунги кунда санъатшунослик илмида муҳим тадқиқот йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Чунки ҳар бир ижрочи-композитор қоғозга битган ноталарни шунчаки такрорлаш билан чегараланмай, унга ўз ҳис-туйғусини, қалб овозини ва ҳаётга муносабатини жо қилади. Шу боис ҳақиқий ижро ҳамиша ижодий тафаккур ва ички кечинмалар билан боғлиқ.

Ижрочининг мусиқий тафаккури, фикрлаши қандай шаклланади? У қайси муҳитда камол топади? Қандай омиллар унинг ижодий дунёқарашини бойитади? Замонамизнинг истеъдодли фортепиано ижрочиси, халқаро ва республика танловлари ғолиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Махсус фортепиано” кафедраси катта ўқитувчиси Элнура Мирзакамалованинг ижодий йўлига назар ташласак, бу каби саволларнинг ишончли жавоби аён бўлади.

Элнура Мирзакамалова Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Унинг болалиги зиёли муҳитда, санъат нафаси уфуриб турадиган хонадонда ўтди. Отаси – атоқли композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор Рустам Абдуллаев, онаси эса моҳир фортепиано ижрочиси ва педагог Раъно Абдуллаевадир. Санъат муҳитида камол топган фарзаднинг мусиқага меҳри эрта уйғониши табиий. Элнура ҳам болалигидан турли услуб ва йўналишдаги мусиқаларни тинглаб, уларнинг мазмуни ва кайфиятини ҳис этиб улғайди. Санъатшунос олимлар таъкидлаганидек, мусиқий сулолалар фақат бир оила доирасида эмас, балки шогирдлар орқали ҳам ижодий анъаналар давомийлигини таъминлайди. Шу маънода Абдуллаевлар оиласи ўзбек мусиқий маданиятида бардавом ижодий анъаналарни сақлаб келаётган сулолалардан бири ҳисобланади.

Элнуранинг мусиқага бўлган қизиқиши жуда эрта намоён бўлди. У беш ёшидаёқ Тошкентдаги В.А. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг тайёрлов синфига қабул қилинди. Бу масканда у мусиқанинг бетакрор ва сирли оламига илк қадам қўйди.

Ижрочилик йўлида устознинг ўрни беқиёс. Чунки устоз нафақат билим беради, балки санъатга муносабатни ҳам шакллантиради. Элнура дастлаб устози Лариса Асамовна Муҳитдинова қўлида таълим олди. Кейинчалик эса таниқли педагог Тамара Афанасьевна Попович синфида ижрочилик маҳоратини янада мукаммаллаштирди.

Фортепиано ижрочилиги муайян маънода спорт машғулотларига ўхшайди. Агар ижрочи машқ қилишни тўхтатса, маҳорат ҳам сусаяди. Шу сабабли ёш Элнура рояль олдида соатлаб машқ қилишга одатланди. Бу меҳнат унда сабр-тоқат, ирода ва мақсадга интилиш каби фазилатларни шакллантирди.

Ёш ижрочининг мусиқий дунёқараши жаҳон классик меросини ўрганиш орқали бойиди. У Бах, Гайдн, Моцарт, Бетховен, Рахманинов ва Сергей Прокофьев каби буюк композиторлар асарларини чуқур ўзлаштирди. Бу асарлар нафақат техник маҳоратини, балки мусиқани теран ҳис этиш ва талқин қилиш қобилиятини ҳам юксалтиришга хизмат қилди.

Элнуранинг ижодий йўлидаги муҳим воқеалардан бири унинг АҚШга сафаридир. Ўн биринчи синфда ўқиб юрган пайтида у икки ойга Америкага бориш имкониятига эга бўлди. Халқаро “Фортепиано концертлари” танловида иштирок этди. У ерда Сергей



Прокофьевнинг “Биринчи концерти”ни Чикаго симфоник оркестри билан ижро этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Шундан буён у турли мамлакатларда – АҚШ, Жанубий Корея, Вьетнам, Россия, Озарбайжон, Хитой ва Тожикистонда ўтказилган концертлар, фестивал-лар ва танловларда иштирок этиб келмоқда. Бу чиқишлар нафақат ижрочининг шахсий ютуғи, балки ўзбек фортепиано мактабининг халқаро майдондаги нуфузини намоён этувчи муҳим воқеалардир.

2018 йилда у Ханой миллий симфоник оркестри билан яккахон сифатида Рустам Абдуллаевнинг “Учинчи концерт” асарини ижро этиб, “Ёш ижрочилар халқаро фестивали”да катта эътирофга сазовор бўлди.

Кейинги йили Қозон шаҳрида ўтказилган XIV Евросиё халқаро янги мусиқа фестивалида “Раталла” асари ижроси тингловчилар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Моҳир ижрочининг маҳорати кун сайин ортиб борди. 2023 йилда Боку шаҳрида ўтган “Ўзбекистон – Озарбайжон дўстлик фестивали”да у Сергей Рахманиновнинг икки форте-

серваториясида ёш мусиқачиларга ижрочи-рини ўргатиб келмоқда.

Бугун унинг шогирдлари ҳам халқаро т-да ўз маҳорати билан иштирок этиб келиш-салан, шогирди Мафтуна Каримова Боку халқаро танловда биринчи ўринни қўлга бўлса, магистрант Фарзона Абдураҳмоно-даги "Дельфий ўйинлари" танловида дип-тақдирланди.

Педагогик фаолият билан бир қатор Мирзакамалова илмий тадқиқот билан шуғулланмоқда. У “Фортепиано ансамбл-ги ва йигирмадан ортиқ илмий мақолалар бўлиб, фортепиано ижрочилиги ва ансамб-яти масалаларини илмий таҳлил қилишга бўлган. Шунингдек, у 2023–2025 йиллар “Musae” грант лойиҳасида иштирок этди кунда докторлик диссертацияси устида и-моқда.

Элнура Мирзакамалованинг оилавий санъат соҳаси билан боғлиқ. У Алишер мидаги Давлат академик катта театри Раҳимжон Мирзакамалов билан турмуш санъаткорнинг ижодий ҳамкорлиги ўзига олдида Элнура жўрнавозлик қилса, Ра баритон овози опера ариялари билан фа-ради.

Элнура Мирзакамалованинг ижодий санъатга ошно оила муҳити, устозлар мак-сиз меҳнат, жаҳон ва миллий мусиқа мер-билан ўрганиш ҳамда халқаро саҳналард-ган тажриба ҳал қилувчи аҳамият касб э-омиллар уйғунлиги унинг ижросида ало-ва таъсирчанликни намоён этади.

Унинг рояль олдидаги ҳар бир ижрос-ноталар, балки инсон қалбининг нозик қ-ҳаётга бўлган муҳаббат ва санъатга сад-нади. Мусиқа оламида бир гап бор: “Чин-ларни эмас, қалбини ижро этади”.

Элнура Мирзакамалованинг рояль бир чиқиши ана шу ҳақиқатни яна бир бор Унинг ижросида мусиқа шунчаки овоз эма-фикр ва ички кечинмаларнинг оҳангларда

Шундай санъат фидойилари Ўзбекистон фортепиано ижрочилик ма-жаҳон саҳналарида янада кенг янграм Мирзакамалованинг ижроси эса мусиқан-дан ўтган ҳақиқатини яна бир бор исботл санъат – қалбда туғилиб, қалбга етиб бора

Моҳин
Ўзбекистон давлат конс
дои

www.ssoha

ЯХШИЛИК БЕЖАВОБ БЎЛМАС, БУ БАХТДИР



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжонов радио ва телевидение тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. У мазмунли дастурлар тайёрлаш билан бирга республика бўйлаб кўплаб истеъдодли ёшларни кашф этишга катта ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган "Танишинг, янги овозлар", "Санъат саодатимдир", "Қўшиқ – орзум менинг" каби кўрик-танловлар, шунингдек, "Ўзбекистон куйлагай" радиофестивали миллий санъатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Устоз кўп йиллар давомида халқ оғзаки ижоди намуналарини топиб ва ёзиб олиш билан шуғулланиб, ноёб маънавий хазина тўплади. Унинг "Дилхирож", "Айла табассум", "Интизор кутдим", "Армонли дунё", "Қўшиқда кўраман оламни", "Кўнглимнинг суврати" каби асарлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган.

Қалбга яқин қўшиқлари, самимий ва теран ижоди билан эл меҳрини қозонган устоз адибни улуғ ёшлари муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Сизнинг завқ ва фикрий теранликка тўла умр дарёингиз ҳамиша ёруғ манзилларга туташсин.

Махтумқулиёна

Замона шиддати мисли шўх дарё,
Умр ҳубоб, сувда окканча бўлмас.
Балогат ёшида олгин илм, зиё,
Заруратда ерга бокканча бўлмас.

Ножўя бир сўзнинг салмоги оғир,
Афсус, хижолатда куйдирар багир.
Машаккатдан камол топади сағир,
Ўтмиш қошин имлаб қоққанча бўлмас.

Мисколлаб топганинг ботмонлаб сочма,
Ботмонлаб топдингми, эҳсондан қочма.
Ҳасисга садака ҳақда сўз очма,
Писанда кўксингни ёкканча бўлмас.

Шошилганнинг йўлин тўсиб гап сотма,
Барвакт уйғон, лоқайд ғафлатда ётма.
Афюн чекиб надоматларга ботма,
Умидинг бир чакин чаққанча бўлмас.

Яхшилик жавобин кутиб яшама,
Кўзлардан панага ўтиб яшама.
Нуриддин ҳадиклар ютиб яшама,
Ёринг киприкка ёш таққанча бўлмас.

Севиб қолдим

Забоним гунг эмас, нолон, нетайки мен севиб қолдим.
Улушим, топганим ҳижрон, нетайки мен севиб қолдим.

Латофат кўзларида жо, аҳён-аҳён бўлар пайдо,
Анга боғланди илҳақ жон, нетайки мен севиб қолдим.

Йилу ойлар югургайлар, жилға сойлар югургайлар,
Хавотирда дилим вайрон, нетайки мен севиб қолдим.

Оғушимга кирди армон, қачон келар кутилган он,
Борар жойим йўқ бенишон, нетайки мен севиб қолдим.

Етиб бормас наҳот нолам, армон бўлгайму ҳаволам,
Гўзал кўйида ашким қон, нетайки мен севиб қолдим.

Ихтиёрим бўйинсунмас, яшаш бу ҳолда мумкинмас,
Мани тарк этди хушнуд он, нетайки мен севиб қолдим.

Гирифтори вафо бўлғум, демасман гул каби сўлгум,
Ашъор битдим Нуриддинжон, нетайки мен севиб қолдим.

Эътироф

Сал мавзеки эсимдаёқ, доим бирга ғам кечди.
Умрга ёпишқоқдай ҳаёлларим ҳам кечди.

Бистам кўчаси бизни кузатарди жимгина,
Бутунги куч самари бошқа эрак ҳам кечди.

Оқу қаро туш эса кўпинчани булут қилди,
Сайри бор айланиса яхши, қолган кам кечди.

Қачонгача сафимиз тасдиғи керак бу,
Ҳотиралар жонланиб чиқа кўзга нам кечди.

Юлдузли тунлар сўнмай, кўнгил кунлар унмай,
Нақадар олиб кетгани ғўзим от ҳолдан кечди?

Ғам ташларин мағз этиб, толибона шоҳ билан,
Бошини кўтар Нуриддин, ёрини Мунаввам кечди.

Бўлмаса

Инсон қандай бирор ҳисни ишлатда ҳам бўлмаса,
Сўнгги йўл тортар кетмоқи тутган одам бўлмаса.

Гул фасли ўтиб кўпи ҳамаса ҳаросат,
Тонгни ҳам файз йўқламас, биллур шабнам бўлмаса.

Меҳр кўйиб қолдирган кўчат шоҳи ёзса бари,
Келажакка борар у боғбон бегам бўлмаса.

Ҳутур туйиб яшамоқ бахтидан ким мосуво?,
Ким лоқайдликка маҳкум, шаҳдам қалам бўлмаса.

Ҳаракатда барокат наклига қилган амал,
Ишчиликдан йироқдур, ғафлат ҳамдам бўлмаса.

Нуриддин Боёнбоғрини уюқда ўлмоқ истар,
Илҳом отиғ ўлмагай хотирингда жам бўлмаса.

Дўст керак

Муаммарлик, ёруғлик манбаидир ой, офтоб,
Илму адаб саодатин калити дерлар, китоб.

Истиқлол йилларининг ҳар бири минғта достон,
Ҳар бирига мухрланган саҳифаси, чорлов, хитоб.

Саёҳатда эл кўрига ҳар кунинг бахшида эт,
Ёритиб от хур кизларинг юзини тўсса ҳижоб.

Дилингдаги дўст керак, тиллашурга ҳамфикр,
Ишонмас эсанг, ахтарурга кил шитоб.

Ж[illegible]ларга кўйма ҳирс, кўзларинг тиниқ сақлар,
Ч[illegible]ина етмагай жилмага, чунки сароб.

М[illegible]ҳаққа толмасин, айла ғайрат Нуриддин,
Ё[illegible]ёнғи гунаҳ, ёғаннинг ажри савоб.

Макон

Бор машъалдан олтин ярмак бўлиб тўнг дарё - макон,
Неча юз йилларки оламни дилдора маъво - макон.

Мир Алишер бахри олтин, бахромандлиги тенги йўқ,
Эл дили ганжига макон, дур кораваси ҳар макон.

Йўлларида қанча-қанча қўйчини бедор тиб,
Бегларга ҳолдан кетди, мисли йўқ панжа макон.

Ибни Сино ҳам Навоий, ҳазрати Ҳомий, Бобур,
Сирри мусиқа ҳақида чекдилар инъом, макон.

"Авжи гурк", "Зебо пари" – ушбу санъат бегани,
Ихлосин ким қўйдай олса, унга саломдир, макон.

Бебаҳо олтин ҳазина ҳар капиз кўз нурин
Тўккан Ражабий Юнусни ўзи макондир, макон.

Эй Нуриддин тингла, англа, куйлагур куш парвода,
"Бузрук"у "Рост", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Ирок"у "Наво" макон.

* * *

Шоир ўйи бу бекўда ўй демангиз,
Ҳар кўча ҳам ёра қорар кўй демангиз.
Табиат ранг неъматига тўймайман,
Аё дўстим, шайдоликни қўй демангиз.

Бир бор яшаш бахтин кўрди пешона,
Ўсмирликнинг ақлин кўрди пешона.
Камолотнинг тахтин кўрди пешона,
Аё дўстим, сиполикни қўй демангиз.

Умр сўнги сароб бўлмас, бу бахтдир,
Вафо қасри ҳароб бўлмас, бу бахтдир,
Яхшилик бежавоб бўлмас, бу бахтдир,
Аё дўстим, филоликни қўй демангиз.

Шоякин-сурон ҳаётдан бездим-кў,
Ёлғизликнинг дунёсини сездим-кў,
Соғинч деган туйғу таъмин сездим-кў,
Аё дўстим, саодатни қўй демангиз.

Гулларимга меҳр бойлайман бахор,
Қуёш нури интиқ пойлайман наҳор,
Нуриддинга кўп мухлислар интизор,
Аё дўстим, рақсларни қўй демангиз.

Мукамбар опа – мукаммал опа



– 2001 йил “Саодат”нинг апрель ойи сони қўлимизга теккан кун оиламизда байрам бўлган эди, – дейди журналнинг доимий мухлисларидан бири сирдарёлик Мукамбар Қиличева. – Ўша сонда умр йўлим, меҳнат фаолиятим, оилам, фарзандларим ҳақидаги мақола эълон қилинган бўлиб, бу эътибор ва эътироф ҳаётимдаги энг қувончли ва унутилмас воқеа бўлиб қолган. Бир неча кун иш телефоним тинмай жиринглаган, яқинларим, дўстларим ва бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларим мени қутлашганди. Эл назарига тушишимга, ютуқларим катта давраларда эътироф этилишига ўша мақола ҳам сабабчи бўлган. Ўзим матбуот билан боғлиқ соҳада ишлаганим учун барча республика нашрлари, жумладан, “Саодат” журнали ҳам биринчи бўлиб бизга етиб келар, кейин вилоятдаги ҳудудларга тарқалар эди. Журнални қўлимга олишим билан, касбим асли журналист бўлгани учун бошидан охиригача танишиб, ўқиб чиқардим ва жамоамиздаги барча хотин-қизларга ҳам уни мутолаа қилишларини тавсия этардим. Ўшандан бери журналнинг доимий мухлисиман.

Бу нуфузли нашрда чиқиш, боз устига сурати муқовасидан жой олиши учун унга муносиб қаҳрамон бўлиш зарур, албатта. Ўша пайтда “Сирдарё почтаси” ҳиссадорлик жамияти раиси бўлган Мукамбар опа ана шундай фаол аёл, меҳрибон она, ташкилотчи ва ташаббускор раҳбар, қолаверса, тадбиркор ҳамюртларимиздан бири бўлган. Унинг аёл боши билан қарийб ярим миллионлик катта жамоага бош-қош бўлиб, амалга оширган хайрли ишлари, аёлларга, кўп болали оилаларга кўрсатган ғамхўрлиги, меҳр-мурувватини бошқа вилоятлардаги касбдошларига ибрат бўлган.

У дастлаб пойтахтимиздаги хотин-қизлар билим юртини, сўнгра ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)ни тамомлаган. Бир муддат Сирдарё вилояти телерадиоэшиттириш қўмитасида ишлагач, матбуот тарқатиш тармоғи вилоят бўлими раҳбари, сўнгра бир неча йил вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб, кўп йиллар “Сирдарё почтаси” ҳиссадорлик жамияти раиси вазифаларида самарали фаолият олиб борган. Дарвоқе, ўша кезларда почта жўнатмалари (хат-хабарлар, газета-журналлар) пойтахтдан вилоятга турли сабабларга кўра кечроқ етиб келар, яъни ви-







лоятдан борган автомашина уларни олиб келгунча анча вақт ўтар эди. Вилоятнинг узоқ ҳудудларига эса янада кечроқ етказиларди. Ўшанда ҳиссадорлик жамияти раиси “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик жамияти раҳбарияти билан келишиб, “Тошкент-Ховос” электропоездининг Гулистон вокзалида тўхташ вақтини бир неча дақиқага узайтириб, почта юкини туширишга эришган ва бунинг натижасида барча жўнатмалар, энг муҳими, марказий матбуот нашрлари ўз вақтида эгаларига етиб бориши таъминланган эди. Мукамбар опа ҳамкасб аёлларга алоҳида эътибор берар, айниқса, ҳомиладор келинчакларни ниҳоятда авайлар, туғурук таътили яқинлашган аёлларни оғир ишлардан озод қилар, баъзан уларга: – Бор, хонамга кириб, диванда мизғиб ол, – дер эди. Мукамбар опа ишда нечоғлик фидойи бўлса, оила учун ҳам жоннисорлик қиларди. Уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказди, олийгоҳларда ўқитди. Улар айни пайтда турли соҳаларда самарали фаолият олиб боришмоқда. Катта қизи Дилфуза иқтисодчи, Маҳмуда инглиз тили мутахассиси, оиласи билан АҚШнинг Калифорния штатида яшайди, уч нафар фарзандининг онаси. Ўғли Умиджон кўп йиллик ички ишлар тизимида фаолият олиб бориб, ибратли оила бошлиғи, уч нафар фарзандни вояга етказди. Набиралар ҳам танлаган йўналишлари бўйича олий маълумот олиб, ҳаётда ўз ўринларини топишмоқда.

“Қариси бор уйнинг – париси бор”, деганларидек Мукамбар опа набиралар (улар 6 нафар) қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Онахон яқинда чевараликка бўлди. Шу куни қутловларнинг кети узилмади. Айниқса, уммон ортидан бўлган қўнғироқлардан – набиралари Зебунисо, Иноятхон ва Диёрбекнинг қутловидан боши осмонга етди. Уларни соғинганини айтиб, узоқ дуо қилди.

Ҳозирги кунда Мукамбар опа Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилади. Бу йил 80 ёшини қаршилади. Бир умр фаолиятдан тўхтамагани боис ҳамон бардам, дадил ва фаол. “Отчопар – 2” МФЙ да фахрийлар маслаҳат кенгаши аъзоси сифатида маҳалладошларидан ўз йўл-йўриқларини аямайди. У ортга назар солиб, умрининг кўплаб бекатларидаги гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли воқеаларни ёдга олганида доимо ўзига ҳамроҳ, сирдош, дардкаш бўлган қадрдон журнални варақлайди, унинг саҳифаларидан излаганларини ўқиб, кўнгли таскин топади.

Бундан йигирма тўрт йил аввал “Саодат” журналида эълон қилинган мақоланинг сарлавҳаси “Мукаммаллик” эди. Ҳаётда мукаммалликка интилиб яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қадрли Мукамбар опа, сиз шундай яшадингиз ва яшаяпсиз. Қувончларингиз мўл бўлсин.

Зарина ПАРДАБОЕВА,

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



КЕТМОН БУВА

Ҳикоя

Олим бува ҳақида эшитганмисиз? Жуда ажойиб одам. Баъзилар ҳазиллашиб, уни “Кетмон бува” ҳам дейишади. Бунга буванинг ғаши келмайди. Барибир эмасми, ундоқ дейишди нима-ю, бундоқ дейишди нима?! Аммо “Бува ҳам қариганлари сари эзмаланиброқ боряптилар-да”, деганларини эшитиб қолса, кўнгли чўкади, қуюқ қошлари чимирилиб, юзидаги беҳисоб ажинлари бўртиб кетади.

Аслида, бу гапларда озроқ бўлса-да, жон бор. Ҳаммасига буванинг ўша алмисоқдан қолган кетмони сабабчи. Дарвоқе, кетмон ҳақидаги гапларни бир бошдан гапириб беришим керак, бўлмаса, ҳали-бери гап нимада эканлигини билолмайсиз.

Олим буванинг яккаю ягона бисоти – каттакон кетмон эди. Айтишларича, бувага бу кетмонни қўшни маҳаллалик уста Дадажон ясаб берган экан. Нақшиндор, салмоғи ҳам ҳазилакаммас.

Кетмон ҳақида анча-мунча нақллар тўқилган: бирчроқ ерни чопишаётиб, “Вой-вуй, бу ерга Олим буванинг кетмони бас келмаса, бошқа кетмон билан бир нима қилиб бўлмайди” ёки бирор йигитга баҳо беришмоқчи бўлишса, “Ҳа, дуруст, Олим буванинг кетмонида ер чопса чопаверадиган бўп қопти”, дейишади.

Кетмон сувчилик ота касби бўлган Олим буванинг елкасидан роса қирқ йилда тушди, неча бор сопи янгиланди, бети пошлатилди, аммо салмоғи ҳали ҳам ўша-ўша.

Бува кетмони ҳақида завқ билан ҳикоя қиларди. Ҳикоя қилганда ҳам ҳаммасини ўз-ўзидай, қандай бўлган бўлса, худди шундай қилиб, қўшмасдан, олмасдан гапирарди. Урушдан кейинги

очарчилик йиллари колхоз ҳосилотининг бир амаллаб чошгоҳга етказиб келадиган уч-тўрт ошам шавласини неча бор кетмонининг бетида егани, унда қандай қилиб чой ичгани, арикдан сув симиргани, саратон жазирамасида ҳориб, шудгорнинг нақ ўртасида кетмонсопга чопонини илиб, бетига бошини қўйиб мизғиганини айтиб берар ва охирида жуда ғалати қилиб: "Ҳа, болаларим, бу кетмон менинг темир косам, темир пиёлам, темир ёстиғим эди..." деб қўшиб қўярди. Болалар эса ота-оналари чақириб қолмагунча, жимгина ўтириб, бу гапларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилаётгандай жим ўтиришарди.

Буванинг: "Кетмон – менинг имоним, виждоним эди", дегани болаларга сирли туюлиб кетарди. Эртакларнинг қаҳрамонлари кутилмаганда кўп бошли аждаҳолар, олов пуркаётган девлар қаршисидан чиқиб қолганида "энди буёғи нима бўларкин", дея бутун вужудлари билан эртакнинг давомини кутаётганлари каби хаёлга чўмардилар. Бува эса "имон ва виждон"га боғлиқ бир воқеани айта бошларди.

... Қаҳатчилик йиллари. Тутун ноёб, чўғ – танқис. Қозон – сувда, пиёздоғга тугул, ҳўкизнинг шохига мой йўқ. Уйда саккиз жон. Ҳаммаси бараварига чирқирайди: нон, нон, нон...

Бува ўшанда... ўғирлик қилган. Ярим тунда хирмондан бир пуд буғдойни ўмариб келган. Аниқ эсида: ўшанда ҳам кетмони елкасида эди.

Бир пуд буғдой нима деган гап?! Устига-устак, ёмон бўлди – бува кетмонининг бетига қаролмай қолди. Унга бошини қўйиб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Ўғирлик ёмон бўларкан. "Энди сен деҳқон эмассан. Ҳалолга ҳаромни аралаштирдинг, бетимни қора қилдинг", деяётгандай бўларди кетмон.

– Кетмоним, ахир кўриб турибсан-ку, буни ўзим учун қилганим йўқ. Уйда болаларим оч Чирқирашлари юрак-бағримни эзиб юборди. Уйга қандай қилиб боришни билмай, сен билан далаларда қолиб кетаётганимдан хабардорсан...

– Хабардорман, ҳаммасидан хабардорман. Лекин ўғирликни бу билан оқлаб бўлмайди.

– Кечир мени, кетмоним.

– Мен-ку, кечираман, аммо фарзандларинг сени кечиришармикин?

— ...

Кейин-кейин яхши замонлар келди. Қопларда, ўраларда, қирқ пудлик сандиқларда буғдой, жўхори. Тўкинчилик. Йилдан-йилга яхши бўлаверди. Кетмон ҳам тин олди. Сувчилик ёшларга ўтди. Бора-бора машҳур кетмон ҳақидаги нақллар ҳам қолиб кетди. Энди одамлар йигитларга баҳо беришда уларнинг илмини, касбини, хулқ-атворини оғизга оладиган бўлишди, чопадиган [illegible]анг ерлар ҳам қолмади.

Олим бувага нафақа тайинлашди. "Энди ҳузур қилиб дам олинг, болаларингизнинг орзу-ҳавасларини кўринг", дейишди. Бува "хўп" деди. Дейишга деди-ю, уч-тўрт кун ўтмасданоқ типирчилаб қолди. Кетмонни, далани қўмсай бошлади. Бу орада кенжа ўғли лойҳандакда ювиқсиз қолдирган кетмоннинг юзини занг босди. Бува тутақиб кетди. Кампирига ёмон ўшқирди. Лекин бу ҳам ҳолва экан. Орадан беш-олти кун ўтгач мундоқ қараса, кичик невараси кетмоннинг сопини белкуракка олиб, ўртоқлари билан ер чопяпти. Қари ўрикнинг тагида ётган кетмони кўзига ғариб кўриниб кетди. Қўлига олиб қазноққа, туршак солинган шакарқопнинг оркасига яшириб қўйди. Икки куннинг бирида кириб хабар олади, худди биринчи бор кўраётгандай у ёқ-бу ёғини ушлайди. Сўнг секин жойига қўяди-ю, кампирнинг кўзини шамғалат қилиб яна ташқарига – болалар олдига чиқиб кетади. Бир куни қазноққа энди кирганида кампири келиб қолди.

– Шу сабил қолгур кетмон йўқолмади, мен қутулмадим-да, вой тавба-ей, кундош-а, кундош, – дея жавранишга тушди кампир. Охири кетмонни олиб ҳовлига отди. Буванинг жон-пони чиқиб кетди.

– Нега отасан? Сени ҳам шу кетмоннинг орқасидан олганман-а!

– Олган бўлсангиз олгандирсиз. Нима қилай, бўйнимга осиб олайми?

Ўша куни кечга бориб буванинг иситмаси кўтарилди. Кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Кечаси алаҳсираб чиқди. Эртасига, индинига ҳам ўзига келмади. У ёққа ағанайди – бўлмайди, бу ёққа ўгирилади – бўлмайди, ўрнидан туриб эшикка чиқади, киради-чиқади...

Бир ҳафта ўтгач соғайиб, ўрнидан турди. Турди-ю, кетмонини ахтара кетди. Набиралари ҳовлида ип боғлаб тортиб юришган экан. Секин улардан олиб оғилхонага кирди. Тўплаб қўйилган темир-терсаклар орасига яхшилаб яширди. Кўнгли анча таскин топиб, супача томонга қараб кетди. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди, кетмон ҳақидаги ҳикояни қайта-қайта эшитавериб болалар ҳам безиб қолишганди.

Бир куни эрталаб оғилхонага кирса, бурчак шип-шийдам: на кетмон бор, на бошқа. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Ўша куни, эртасига кечгача қидирди, аммо топа олмади.

Бува роса бир ой тиним билмади, кўрингандан кетмонини сўрайди, қўшниларидан ўсмоқчилайди. Лекин кетмон йўқ: ерда ҳам, осмонда ҳам. Барибир ахтараверади. Назарида ҳув ёғочнинг тагида ётгандай бўлади, бориб қарайди – йўқ, биров томга отиб юборгандай туюлади – аввал набираси, сўнг ўзи бир амаллаб томга чиқади – йўқ, пастга тушади – йўқ, деворларнинг тагини пайпаслаб кўради: йўқ, йўқ, йўқ...

Орадан беш-олти ой ўтиб кетди. Кетмон, деярли, ҳамманинг эсидан чиқди. Олим бува ҳам энди илгаригидай эмас. Супачада ўтган-кетганга қараб жимгина ўтиради.

Кетмон қаёққа ғойиб бўлганини мен билардим. Мактабдан топшириқ бўлганди-да. Аммо бу ҳақда ҳалигача ҳеч кимга оғиз очган эмасман.

Азизанинг орзулари



Инсон ҳаёти орзу билан бошланади. У аввал қалбда нозик бир туйғу сифатида пайдо бўлади, кейин эса инсонни олға етаклайдиган кучга айланади.

Бир қарашда у енгил туюлади. Аммо вақт ўтиши билан англанадики, унинг ортида танлов, сабр ва масъулият туради.

Шу боис инсонни шакллантирадиган – унинг орзуси эмас, балки шу орзу йўлида босиб ўтган йўлидир.

Қаҳрамонимиз Азиза Ражабова ана шундай йўлни танлай олган ёшлардан.

У маърифатли оилада тарбия топди. Отаси Сайфиддин ага[illegible] идораларида фаолият юритган, масъул[illegible] ҳаётининг асосий мезонига [illegible] Онаси Гулҳан опа тиббиёт соҳа[illegible], кейинчалик бутун меҳрини [illegible]га бағишлади.

Азиза оилада уч фарзанднинг кенжаси. Акаси Ёркинбек олим, Жиззах политехника институтида фаолият юритади. Опаси Гулҳаё эса тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган мутахассис.

Бундай муҳитда ўсган бола учун интилиш табиий ҳолга айланади. Азиза ҳам кичиклигидан ўзини синашдан қўрқмади. У синфда фақат яхши ўқишни эмас, ўзини кўрсата олишни, ишонч қозонишни истарди.

У муҳитда шаклланмади – муҳитни ўзига мослаб олди.

Мактабда билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Уйда эса акаси ва опасидан ёрдам сўраб, ҳар бир дарсни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қиларди.

Мактаб ҳаётида у жуда фаол эди. Тадбирларда иштирок этар, саҳнада турли роллар ижро этарди. 7-синфдан бошқа мактабга ўтганида ҳам у ўзини

йўқотмади. Янги муҳит уни чекламади – аксинча, янада чиниқтирди. “Жаҳолатга қарши маърифат” танловидаги ғалабаси унинг илк жиддий ютуқларидан бири бўлди.

Мактаб йилларида тил ўрганиш, китоб мутолааси, тарих ва адабиётга қизиқиш унинг фикрлаш доирасини кенгайтирди. Бу учун у устозлари София Михайловна, Нигора Амировналардан миннатдор.

> **Чет эл – фақат имкониятлар ватани эмас. У – синов, машаққат, меҳнат, интилиш, орзу ва мақсадлар ватани ҳамдир.**

Аслида шу йиллар унинг йўлини аниқ белгилаб берди.

Мактабни тамомлаш арафасида у Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлишни мақсад қилди.

2018 йилда бу мақсадга эришди. Талабалик йиллари унга фақат билим эмас, қарор қабул қилиш масъулиятини ҳам ўргатди. 2022 йилда Азиза бакалавр босқичини муваффақиятли тамомлаб, магистратура йўналиши бўйича дунёнинг бир нечта нуфузли университетларга ҳужжат топширди. Қисқа вақт ичида у барчасидан грант асосида қабул қилинганлиги ҳақидаги жавоб хатини олди.

Бу натижа – бир кунлик омад эмас, йиллар давомидаги изчил меҳнат самараси эди. Ҳар бири катта имконият, танлов эса – масъулият эди.

Азиза Америка йўлини танлади. Изланувчан қиз дунёнинг тўп юзталик университетлари қаторида эътироф этилган ҳамда Research I (RI) мақомига эга бўлган The Penn State университетида ўқишга қарор қилди.

Бу ерда турли мамлакатлардан келган ёшлар таҳсил олади. Турли маданият ва қарашлар туташган бу муҳит инсондан тайёр жавоб эмас, мустақил фикр ва позиция талаб қилади.

Чет эл – фақат имкониятлар ватани эмас. У – синов, машаққат, меҳнат, интилиш, орзу ва мақсадлар ватани ҳамдир.

Америкадаги илк кунлар осон кечмади. Янги муҳит, ёлғизлик ва масъулият унинг сабрини синади.

Инсоннинг ҳақиқий кучи – уни ҳеч ким кўрмаётган пайтда шаклланади.

У яқинларини соғинган лаҳзаларда болалиги, оиласи ва бобосининг насиҳатларини эсларди.

– Мусофирлик – сенга ҳеч ким ёрдам бермайдиган жой. Демак, сен ўзингга суянишни ўрганасан. Бу фикр унинг ички таянчига айланди.

Бугун Азиза мустақил қарор қабул қила оладиган шахс. У ўқишни муваффақиятли тамомлаб, АҚШнинг New York “Ballon Stoll P.C” хусусий юридик фирмада юрист ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Унинг йўли энди фақат шахсий эмас – жамоатга дахлдор йўлга айланган.

Келажакда у ҳуқуқ соҳасида фаолият юритиб, инсон тақдирига дахлдор қарорлар қабул қиладиган мутахассис бўлишни мақсад қилган.

Бобосининг насиҳати эса унинг ҳаётида ўзгармас мезон бўлиб қолган:

– Бировга сенинг ҳақинг ўтса ҳам, бошқаларнинг ҳақи сенга ўтмасин. Ҳалоллик йўлини танла, болам, эл олдида юзинг ёруғ бўлади.

Бу сўз Азиза учун оддий насиҳат эмас, унинг яшаш тарзига айланган. У бугун ҳеч қандай муаммо олдида бошини эгмайди, кўзини ёшламайди, аммо юрагини ўртаб турадиган биргина дард бор, бу юрт соғинчидир.

Азизанинг орзу йўли давом этмоқда. Ва бу йўл – орқага қайтмайди.



Халқимизнинг “Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши” деган мақолини кўп эшитамиз. Чунки ҳар бир оилада ўзига яраша муаммо ва келишмовчиликлар бўлиб туриши табиий ва вақти билан шу кайфиятнинг ўтиб кетиши ҳам бор гап. Аммо бу оиланинг шу галги можаросида дока рўмол қуриш ўрнига қонга бўялди.



ДОКА РЎМОЛ *қуримади*

Холназар Олимов билан Нигора Мансуровалар (исм-шарифлар ўзгартирилган) уч фарзандни тарбиялаётган йигирма беш йиллик оила эгалари. Хонадон соҳиби бир-икки йил аввал касаллигини баҳона қилиб, ишдан бўшаб, бекорчи бўлиб олди. Аввалари бу оилада ҳаммаси жойида, ҳаммаси яхши эди. Бекорчилик барча иллатларнинг сабабчиси, деб бекорга айтишмайди. Мақсадсиз кун ўтказишга одатланган, ичкиликбозликка ўрганган Холназарнинг нафақат турмуш тарзи, балки хаёли ҳам ўзгарди, аниқроғи, тубанлашди. Унинг танасигина эмас, фикру ўйлари ҳам, мияси ҳам касалланди, заҳарланди.

У хотинини ҳуда-беҳудага рашк қиладиган, бўлмағур баҳоналар билан тез-тез ўринсиз жанжал чиқарадиган бўлди. Болаларининг ёнида аёлини ҳақорат қилибгина қолмай, бемалол қўл кўтара бошлади. Нигора уни ишсиз юриб зериккандир, бир куни инсофга келиб қолар деб, зўравонлик ва хўрлашларига қарши исён кўтармади. Ҳақорат учун, зўравонлик учун қонунларимиз бўлса ҳам, ўз қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун улардан фойдаланмади. Болаларини ўйлади. Аммо бу оиладан файз ва меҳр кетди. Ахир, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун хайру барака кетади, деб бекорга айтишмайди

Одатдаги кунларнинг бирида Нигора ўқув марказидан ишдан чиқиб, болалар боғчасидан ўғлини олиб, тезгина уйга кириб, кечки овқатга тайёрланиш учун ошхонага ўтди. Шу вақт кайфи тароқ, олдидан

Можаро фожиага айланиш. Ниғоза ниманидир қилмоқчи бўлаётганини биларди. Ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ноғаралиқдаги профилактика мактабининг ёнига келди, бўлган фожиани эшитгандан кейин бориш керак "Тез ёрдам" ва ички ишлар бўлими ходимларига хабар қилиниб, тез орада карахталари бошланиб, тезда тирик ўлади қўрқитибди, жабрланувчининг қайси сабаб қилинди. Вақт ўтиб, ҳақорату тўлаётган бошқа шундай сабабларни солган аёл эса жиноят-ча сифатида судининг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Сабрининг косасини тўлдирган, оилаган файзу барокатининг кўтарилишига сабаб бўлган эркак қайтини ўз қилмиши билан хатарга қўйди. Ёлғини жонидан тўйдирган, болаларининг юрагини яроқдек тирратган ичкилик "шинавандаси" ўз қилмиши ўз жонига газол бўлиши мумкинлигини, аёли тамир панжара ортида узоқ йиллар қолиб кетиши, болалари эса ота-она меҳридан мосуво бўлиб, қаровсиз қолиши мумкинлигини ўйлаб кўрдимикан?


Инсон дунёга бахтли яшаш, фарзандлари камолини кўриш, орзу-ниятларига етишиш учун, яхши ном қолдириш учун келади. Аммо Ҳолназарни ҳеч ким бундай жоҳиллик, қўполлик, ғуравонлик йўлини танлашга мажбурлагани йўқ. Унинг ўзи ана шундай маъносиз, бебурд ва мақсадсиз ҳаётни танлади.

Мазкур жиноят иши "Чинор" маҳалла фуқаролар йиғини биносида жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судда Нигора Мансурова турмуш ўртоғи унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб,

Ёшлигимдан ўқитувчи касбини орзу қилганман. Шу сабабли "Ёшлар ўқитувчиси" журналининг ҳар сонини қизиқиб ўқийман. Ёзувчи ва шоирларнинг ёшларга бағишланган асарларини ҳам қизиқиб ўқийман. Ёзувчи Ҳ.Ғ.нинг "Ёлғиз ёлғиз" ҳикоясини ўқиганимдан кейин ўзимни ёлғиз ҳис қилдим. Ҳикоя қаҳрамони Ёлғиз ёлғиз ўтирган ўқувчиларга ўзининг ҳаётдаги қийинчиликларини, ўқишга қизиқмаслигини, ўқитувчиларга ҳурмат қилмаслигини, ўзини ёлғиз ҳис қилаётганини айтиб берди. Ҳикоя ўқиб чиққанимдан кейин ўзимни ёлғиз ҳис қилдим. Ёлғиз ёлғиз ўтирган ўқувчиларга ўзининг ҳаётдаги қийинчиликларини, ўқишга қизиқмаслигини, ўқитувчиларга ҳурмат қилмаслигини, ўзини ёлғиз ҳис қилаётганини айтиб берди. Ҳикоя ўқиб чиққанимдан кейин ўзимни ёлғиз ҳис қилдим.

Ёшлигимдан ўқитувчи касбини орзу қилганман. Шу сабабли "Ёшлар ўқитувчиси" журналининг ҳар сонини қизиқиб ўқийман. Ёзувчи ва шоирларнинг ёшларга бағишланган асарларини ҳам қизиқиб ўқийман. Ёзувчи Ҳ.Ғ.нинг "Ёлғиз ёлғиз" ҳикоясини ўқиганимдан кейин ўзимни ёлғиз ҳис қилдим. Ҳикоя қаҳрамони



Кэтлин Норрис

Кэтлин Томпсон Норрис америкалик ёзувчи ва журналист. У 1880 йил 7 декабрда Калифорния штатининг Сан-Франсиско шаҳрида туғилган. Норрис жуда сермазмун ёзувчи бўлиб, унинг юзга яқин насрий асарлари бор.

Маргарет

Ҳикоя

– Турмуш қурганимизга деярли етти йил бўлди, менимча, биз бир-биримиздан руҳан узоқлашиб қолган икки маданиятли инсонмиз, холос!– дея ўйларди Маргарет хоним. Эр-хотин Кирбилар аллақачон бир-бирларига бўлган муносабатларини муҳокама қилишдан воз кечишган эди. Аммо бу фикр хаёлига келиши билан у эри Жон Кирбига умидсизлик ва ички норозилик билан қararди.

Нима бўлди ўзи Жон ва Маргарет Кирбига? Ахир улар ёш, чиройли, бой ва обрўли инсонлар эди-ку! Дабдабаси етти оламга таралган тўйларида улардан бахтли одам бўлмаган-ку! Ким айбдор? Нега улар бир-бирини тушуна олмадилар? Нега улар ота-оналари каби ҳурмат ва иззат билан яшай олмадилар?

– Балки, ҳаётда бахтли никоҳ деган нарсанинг ўзи йўқдир, – дерди ўзига-ўзи пичирлаб. У таниган деярли барча аёллар ўзларининг бахтсизлигидан нолиб, оиладаги муаммоларни бемалол муҳокама қилишарди. Маргарет эса ҳеч қачон бу ҳолга тушмаган, унинг совуққон ва кибрли табиати бунга йўл қўймас эди.

Эри билан ўртасидаги совуқ муносабатлар ҳеч кимга сир эмас эди. Ҳатто, бир журналист яқин орада Кирбилар оиласида шов-шувли ажралиш бўлишини очиқ-ойдин ёзган эди. Унда гўзал Маргарет хоним, эҳтимол, илк бахтсиз турмушидан сўнг яна омадлироқ никоҳ қуриши ҳақида ҳам ишора бор эди. Маргарет газетани қўлга олганда аччиқ киноялы кулди. Ўзини бепарводек тутишга уринган билан бу сўзлар унинг юрагига оғир ботди.

Демак, тақдирларига шу ёзилган экан. Энди одамларнинг таъна-маломатига чидашлари керак. Бу ҳам бир синов. Ўртада на муҳаббат, на меҳр бўлмагач, бегонадек яшаб юришларига барҳам берадиган кун келди. Молу дунё инсонга бахт бера олмаслигини бутун англаб етишган эди.

Маргарет бу [illegible]
масди. "Ҳ[illegible]
мол, ў[illegible]
зий[illegible]
си [illegible]

[illegible]

20 [illegible]

фарларига бориши унга оддий ҳолдек туюларди. Бекорчи хонимлар орасида ўзини аслзода санаб юриши ҳаммага маълум эди.

– Билмайман нега бугун безовтаман, – деди у ёнида ўтирган дугонасига қараб мўйнасига ўраниб қулайроқ жойлашар экан. – Балки, Жон яна ўзининг одатдаги жанжалларидан бирини бошлайди, деб ўйлаётгандирман. Балки, у хабарни кўрмагандир ҳам. Менга барибир! Агар ажрашишга тўғри келса ҳам қаршилик қилмайман. Яхшиямки, ўртада бола йўқ!

Шу пайт машина боғ кўчасига кириш жойида тўхтади, йўлакдан ўтиб кетаётган баланд бўйли бир йигит ва ёнидаги хушрўйгина қизнинг суҳбати қулоғига чалинди:

– Биз галереяга боришга кеч қолмадикми? – деди қиз йигитга савол назари билан қараб.

–Йўқ, албатта! – деди йигит ишонч билан.

– Кўргазмадан қайтгач, мазза қилиб овқатланамиз. Чиптадан ортган эллик сентимиз бор, шунга яраша егулик оламиз! Қизнинг овозидан ҳаётидан мамнун экани сезилиб турарди.

Маргарет хоним уларнинг ортидан қараб қоларкан, негадир, ҳозиргина эшитган сўзларига ишонгиси келмасди. Ҳатто, ўзининг иссиқ ва ҳашаматли уйига кирганида ҳам ўша сўзлар хаёлида айланарди.

– Эллик сентлик овқат. У қандай таом бўлар экан? – деб пичирларди у . Кутилмаганда эри унинг хонасига кириб келди ва Маргаретнинг совуқ нигоҳига ҳам эътибор бермай гапира бошлади:

– Маргарет, сен билан гаплашиб олишимиз керак, – деди у. – Хизматчингга айт, бизни бироз ҳоли қўйсин,– деди овозини кўтариброқ. Бу ҳолат аёлга ёқмаган бўлса ҳам хизматкорга бош ирғади ва ўзини тутиб, [illegible] оҳангда деди:

[illegible]ен бугун Келсиларникига кечки овқатга [illegible]лиф [illegible]. Жон, балки сен билан кейинроқ [illegible]гла-

[illegible]змиша асабийлашса қўлларини чў[illegible]тига [illegible]да у ёқ-бу ёққа юра бошлар, гап бо[illegible]аши- [illegible] томоғини қириб, кейин дилидагини [illegible]га [illegible]. Бу гал ҳам шундай бўлди. Баланд [illegible]ли,

ишга нисбатан сезгирлик ҳиссини йўқотиб қўйган эди. Ҳатто ҳозирлана бошлади. Негадир Маргарет ўзини айбдор деб ҳис қилар, шу боис эрини оғир аҳволларда тинглай бошлади.

– Маргарет, бу сўзларни сенга айтиш оғир. Биз несяа омадимиз юришмади. Ҳамкорлигимиз Баннистер билан бу муаммони ечишга ҳаракат қилдик. Ҳатто, Вашингтонга бориб Петерсон билан ҳам учрашдик, фойдаси бўлмади! Эртага бор-будимизни кредиторларга топширамиз! Ҳаммаси тугади, Маргарет! Эшитяпсанми, биз ҳамма мулкимизни бой беришимиз мумкин!

Ранги бўздек оқариб вужуди титрай бошлаган Жон ўзини курсига ташлади. Бироз нафас ростлаб, мум тишлагандек сўзсиз ўтирган хотинига қараб гапини давом эттирди: – Энди сен ўзинг билганча яша, –деди у бироздан сўнг одатдаги вазмин оҳангига қайтиб.

– Парк Авенюдаги уйимиздан келадиган даромад сенда қолади. Ўзинг яхши кўрган зебу зийнатларинг, кумуш буюмлар, кутубхона, албатта, сенинг шахсий мулкинг. Бу гапларни айтсам, оғир олармиканман, деб ўйланиб туни билан ухлай олмадим. Азизам, сен буни юрагингга олма, хўпми? Молу дунё топиладиган нарса, биз яна кунлар келиб қаддимизни тиклаб оламиз...

Хонага оғир сукут чўкди. Маргаретнинг юзида ҳеч қандай ифода йўқ, киприк қоқмай ҳамон эрига тикилиб турарди. Кейин кутилмаганда даҳшатга тушган одамдек кўзларини катта-катта очиб бақира бошлади:

– Мен гапингизга тушунмаяпман. Сиз компаниямизни банкрот бўлди, демоқчимисиз? Демак, менинг пулларим, отам мерос қолдирган шунча бойлик ҳам йўқ бўлдими? Буни жаноб Баннистер ҳам тасдиқлаяптими? Нега, нега сиз мени олдиндан огоҳлантирмадингиз?!

– Мен сенга бу ҳолатни июль ойидаёқ айтишга ҳаракат қилгандим, аммо жазм қилолмадим. Ўрнига тушар, деган умидда ҳаракат қилавердик.

Сўнгги сўзида, ҳатто энг кучли эркак ҳам аёлидан кутадиган ҳамдардлик ва таскин оҳанги сезилиб турган эди, аммо Маргаретнинг совуқ нигоҳи бу ўтинчни дарҳол йўққа чиқарди. Жон хонани тарк этаётган пайтда ҳам унга тасалли бермоқчи бўлди:

– Маргарет, жуда афсусдаман. Мен сен истаган ҳаётни бера олмадим. Турмушимиз омонат бўлиб қолди. Лекин мен сен учун қила оладиган ягона ишни қиламан.

Сукут чўкди. Бироздан сўнг Маргарет ўзига келди.

– Бу[illegible] одамларга сездирмасликнинг иложи борми? Од[illegible]лар орасида тилга тушиб кетсак, менга жуда алам қи[illegible]ди, – деди у дардли оҳангда.

– Б[illegible]мкин эмас, – деди Жон қисқа қилиб.

– [illegible]ни одамлар учун ҳеч нарса имконсиз эмас[illegible]ку, – де[illegible]Маргарет қайсарлик билан.

Эр[illegible]дамай хонадан чиқиб кетди. Кейинро[illegible]гарет у[illegible]г кўзларидаги оғриқли изтиробни, [illegible]кетган к[illegible]ларини кўп эслади.

Шундан кейин у нима қилди? Эсида йўқ. Д[illegible]пардоз столига бордими, оқсоч Луизани чақирдими[illegible]

Фойеда эшитилган даҳшатли қичқириқдан ўзига келди. Ўрнидан сапчиб туриб ташқарига отилди. Жон-

нини ҳожати эшиги олдида ётибди. Ўрнидан қаттиқ қўзғалиб, ташқарига кўзи тушганда қаттиқ тўлғаниб қолай деди. нини ечиш бошлаган галстукини бўғзига ўзиб, ниятини, нима деб бақиргани ҳам эсида йўқ. У кўзмурдага айланаёзганди. Айниқса, Жоннинг кўтушиб ерда ётиб қолган шимини кўрганда лай акпан олди.

Ўша кеча шифокорлар Маргаретга "Ҳаётгани ва бир неча бақага кечикиб олиб келганини ҳаётни тарк этарди. Унинг тирик қолишининг ўжига", дейишди.

Эртаси куни тонгда эса улар кечагидан кўпроқ ҳайратга тушишди: "Хоним, жаноб Жон жонлантириш бўлимида. Юраги шундайлик тонгга етмайди, деб ўйлагандик, аммо нафҳаёт билан курашиб ётибди. Бироқ сиз ҳар латга тайёр туришингиз керак".

Аммо... Жон Кирби яшаб қолди.

Тасаввур қилиб бўлмайдиган дарду азобла курашиб, янги оғриқли, синоели кунларига учун яшаб қолди. Кунлар, ҳафталар, ойлар фақат нафас олиб ётарди.

Бир куни тажрибали шифокорлар уни ўтказишди; игна санчилганда беихтиёр кимни катта ютуқ сифатида қувонч билан қайд эт охирларида яна бир муҳим кун бўлди: у ним ғўлдиради. Аммо кейинги кунлар ҳам унсиз ли кунлар исканжасида нафас ола бошлади.

Байрам куни у кўзларини очди ва қўли юзига термилиб ўтирган озғингина аёлига қ

– Маргарет! – деди. Ва яна шу заҳоти кетди. Бир муддатдан сўнг у ногиронлик ар ўтирадиган ҳолатга келди, унга китоб ўқиб ди. Ниҳоят, дўхтирлар унга бир кун келиб туриб кетишини айтишганда, йиғлаб юбор ҳар куни кўргани келар, Жон эса боладек у оларди.

Баҳор кунларининг бирида Жонга касал да сайр қилишга рухсат беришди. У бемо сабрсизлик билан хотини ўша куни ёнида хоҳлаётганини айтарди.

Ҳамшира кулиб юборди.

– Ўзингизни етарлича соғлом деб ҳисо ми, унда Кирби хонимнинг олдига бори қувноқ оҳангда. – У атиги икки квартал на сон авенюда. Соя-салқин йўлаклардан ас ринг. Оқшом тушмасдан, албатта, қайтиш жаноб.

Шу огоҳлантириш билан Жон хотиржа[illegible]. У кундан-кунга ўзига келиб, мустақил[illegible]ди. У қисқа йўлни фақа[illegible]қиладиган тарзда[illegible]шақинл[illegible]



Маргарет Кирби хонимни из-
лаяпман.

– Ҳа, албатта! – деди ҳалиги аёл. – Айнан ўша! Эри банкрот бўлиб, ўз жонига қасд қилган эди, бу ҳақда сиз ҳам газетада ўқигансиз, тўғрими? Хоним барча бойлигини сотиб, компания қарздорлигини тўлади, кейин эса шу ерга келиб яшай бошлади...

– Бу ерга шерик сифатида пул тикдими? – деди Жон сокинлик билан.

– Йўқ, аввалига оддий меҳмон сифатида келган эди, –деди Киппам хоним эҳтиёткорлик билан эшикка қараб қўйди. – Ўшанда бу жойни мен бошқарардим. Лекин қарзларим жуда кўп эди, устига-устак, кичкина ўғлим ҳам касал эди. Мен унга дардимни айта бошладим. У эса ўзига иш қидираётган экан. Менда иш топилмади, аммо унинг яхши ғоялари иш берди. Охири мен унга шерик бўлишни таклиф қилдим, рози бўлди. Чунки ўша пайтда у ҳам жуда қийин аҳволда эди.

– Менимча, Кирби хонимнинг ўз номида мулки бор эди? – деди Жон.

– Ҳа, бор эди, лекин у ҳаммасини эрининг касод бўлган фирмаси учун сарф қилди, дедим-ку! Кўплаб унинг дўстлари уни шу иши учун ташлаб кетишди, – деди ачиқ афсус билан. – Аммо биласизми, у бу ерга келган кундан бошлаб омадим ҳам бирга келди. Кейин у кечаю кундуз меҳнат қилади, ҳатто ошхона ишларига ҳам бошлашиб, ҳам назорат қиларди. Хизматчилар билан ҳам жуда яхши муомала қилади, уларни бошқаришни биларди. Хатижада эса, ҳувиллаб бир мижозга зор бўлиб ётган пансионамиз бугун гуллаб кетди. Ёз ойларида ўттизга яқин доимий меҳмон яшайди, қиш фасли учун ҳам ҳамма жойлар банд қилинган! Мен у сабаб ўзимни бутунлай ортиқча одамдек ҳис қила бошладим...

Аёлнинг кўзларига ёш тўлди, у рўмолчасини олиб қўлларига олиб, кўзларини артди.

– Сиз мени телба деб ўйлаётгандирсиз, – деди у, – Ҳаммаси жуда яхши кетмоқда. Ўғлим Лести ҳам ўзгарди. Насиб қилса, уни келаси йил қишлоққа олиб бораман. Ва буларнинг ҳаммаси учун мен Кирби хонимга бир умр қарздорман!

У гапирмоқчи бўлди, лекин хона кўз олдида айланиб бошлади. Шу пайт эшик олдида бир соя пайдо бўлди: Маргарет кириб келди.

У уни кўриб бир лаҳза ҳайратда қотиб қолди. Сўнгдан унинг ёнига тиз чўкиб:

– Маргарет! Ўзимнинг Маргаретим! – деб пи-
сирлади.

У жавоб бермади. Фақат Жоннинг қўлларини юзига босиб йиғлай бошлади.У ҳорғин, жуда рангпар эди.

Бир неча ҳафтадан сўнг Жон яна пансионатга келди, асабий, тушкун, ҳали ҳам заиф эди. Кунлар ўтган сари Жон катта шаҳарнинг шафқатсиз, рақобатида янги иш бошлашга мутлақо яроқсиз эканини англаб борар, унинг руҳияти эса аста-секин чўкиб борарди. У бу пансионатни ёмон кўрарди.

– Бу ер фақат бизни дарёдан ўтказадиган кўприк, холос, – деб эслатарди хотини.

Аммо ярим кунлик йўл наридаги кичик шаҳарчадаги кичик фабрика Жонга бошқарувчи лавозимини таклиф қилганида Маргарет ҳеч қандай эътирозсиз уни қабул қилишга рози бўлди. Унинг жасорати Жон поездга ўтириб, янги шаҳар ва янги иш сари йўл олгунча давом этди. Аммо у ўз ишига қайтиб кетар экан, ичини ғалати бир беҳоллик, кўнгил айниши безовта қила бошлади.

Катта, қаҳрамонона кураш тугаган эди. Жоннинг ҳаёти сақлаб қолинди, қарзлар эса маълум даражада камайди. Аммо олдинда бир хил зерикарли кунлар, ёқимсиз меҳнат, узлуксиз машаққат кутарди.

Яна куз фасли келди. Сўнг эса машаққатли ва қадрсиз меҳнатга тўла қиш бошланди. –Ўзимни худди сантехникнинг хотинидек ҳис қиляпман, – деди кулимсираб Маргарет миссис Киппамга ноябрь ойида Жоннинг маоши ошгани ҳақида ёзган хатини ўқиб.

Аммо қайсидир байрамга Жон икки кунга келганида, у эрининг қорайган, қувноқ ва ҳайратланарли даражада кучли бўлиб қолганини пайқади. Бу кичик таътилда улар гўё севишганлар каби кўришдилар. Апрель ойида Маргарет Апплебридгега борди ва улар баҳорнинг мусаффо далаларида кун давомида бирга сайр қилишди.



Жон у ерда анча обрўли одамга айланган.

Апрелдаги ташрифдан кейин узоқ танаффус бўлди. Жон Чикагога сафарга кетди. Шу тариқа қишу ёз ўтарди. Кунларнинг бирида эрининг келолмаслигини билиб, аёл йўлга отланди. Дийдордан қувониб кутиб олган Жон бироз тўлишиб юзларига қизиллик югурган, келбати ўзига ярашган эркакка айланаёзган эди. Улар икки севишган каби бир-бирларининг кўзларига қараб жилмайишди.

– Ҳатим сени ҳайрон қилдими? – сўради Жон.

– Ҳайрон қилганидан кўра, кўпроқ хурсанд қилди, – деди Маргарет қизлардек қизариб. Улар тез орада асосий йўлдан бурилиб, бир дарвоза олдига келишди. Дарвозадан ичкарида эски, қаровсиз ўт босиб кетган мевали боғ ва уй, хўжалик бинолари жойлашган эди. Жон чўнтагидан калит чиқариб, эшикни очди. Орқа эшикдан кўриниб турган атиргуллар кенг, бўш йўлак бўйлаб уларга гўё жилмайгандек туюлди. Қуёш нури тўшамаларсиз полга тўртбурчак шаклда тушарди. Катта ошхонани ёритган нур толалари, токчаларда терилган олмалар ҳиди ҳали ҳам кетмаган эди. Ёруғлик чордоққа ҳам кириб, неча йиллар аввал ўнлаб болалар ёз бўйи расмлар солиб кетган дераза ромларига ҳам тегиб ўтди.

Маргарет ва Жон яна айвонга чиқишди. Маргарет кўзлари ёшга тўлиб, эрига қаради. Шу ондаёқ унинг қалбини чуқур, ифода қилиб бўлмас миннатдорлик ҳисси қамраб олди: бу жой энди унинг қалбида ҳам яшайдиган дунё эканини англади.

У ёзги кунларда шу кенг айвонда ўтириб, Жонни кутади. Уй ишларининг оддий, аммо бахтли ташвишлари билан хонадан хонага юради. Жон ишдан қайтгунча печкага олов ёқади ва балки, келажакда бу эски уйда яна бошқа овозлар ҳам жаранглар, қуёш нурини янада ёркин қиладиган митти жонлар ҳам пайдо бўлар. “Хўш, Маргарет, ёқдими?” – деди Жон уни қучоғига олиб. Юзида фахр ва бахт порлаб турарди.

– Ёқдими дейсанми? Ахир, бу ўз уйимиз-ку! – деди Маргарет кўзида ёш билан. Шундан сўнг Кирбилар оиласини ҳеч ким кўрмади...

Аммо Кирбилар ғойиб бўлганидан тахминан етти йил ўтгач, Маргаретнинг эски яқин танишларидан – Фрари ва Даннинг оилалари штатнинг шимолий қисмида кичик саёҳатга чиқишди. Апплебридге қишлоғи яқинида уларнинг машинаси тўсатдан тўхтаб қолди. Бироз маслаҳатлашгач, аёллар машинада қолиб кутишга, эркаклар эса ёрдам излаб орқага қайтишга қарор қилишди. Миссис Даннинг ва миссис Фрари машинанинг орқа қисмида қулай жойлашиб, узоқ кутишга ҳозирлик кўраркан, Апплебридге номи уларга бироз таниш туюлди. Улар китобларини очишди.

икки томонидаги далалар асаларига тўла эди. Қалдирғочлар тез-тез талари устида айланишар, хантал дарахтлари гуллари остида олтин нарди.

Бир-икки кун олдин ёмғир ёқ ҳануз нам тупроқ ва яшнаган гу ифори эсарди. Яқин атрофда, кўт тошиб оқаётган кичик сой шовқ Машинадан тушган икки аёл май риб китоб ўқий бошлашди. Аввал а таётган овози эшитилди, кейин йиғиси, сўнг эркак овози қўшилди қадам наридаги майсазорда тўхт дек эди. Уларни узумзор ва бутал сиб турарди.

– Ойи, мен билан Билли музқа айлантирайликми? – деди бола. Э

– Чарчадингми, азизам?

– Йўқ, мутлақо. Жуда ёқимли с аёл.

Машинада ўтирган икки аёл ж ичига тушиб кетди.

– Ҳа, ҳа, албатта, Жон, – деди

– Сен билан Билл айлантира Мери қарши бўлмаса. Фернимни э

– Маргарет! – деб пичирлади м

– Умид қиламанки, улар би ўтиб кетишади, – деди миссис Да рат ичида.

–У эҳтимол бизни танимас ж сис Фрари секин, юзидаги пар корлик билан тўғрилаб.

Миссис Фрари ҳақ эди. Кўп шу ердан ўтиб кетишди, машинад ки бир эътиборсиз нигоҳ ташлаш ват, кенг елкали, худди ёш йигитд ли Жон елкасида ялангоёқ кич кўтариб олган эди.

Маргарет эса бироз тўли оддий матодаги хушбичим кўй да ҳусн бағишлаган, қучоғи тў эди. Ёнида чопқиллаб ўйнаб ю часи шу қадар отасига ўхшар Жон қайта дунёга келгандек.

Отаси қўлида кўтариб кет эса жажжи Маргарет эди. Ул овозлари узоқ вақт ҳавода жар

– Хўш! – деди ниҳоят мисси сис Фрари эса “Бечора Маргар моқчи бўлди, лекин айтолмади на кўрган аёли бечора эмас, ду энг бахтли Маргарет эди.

Инглиз тилидан Дилдора

ТОҚАТ ЧЕГАРАСИДА ТУҒИЛГАН ИХТИРО



Баъзан бир ихтиро ғоядан эмас, инсон тоқатининг охирги чегарасида туғилади.

Уй юмушларидан чарчаган она душнинг елим пардасини кесади ва тасодифан бутун ота-оналик дунёсини буткул ўзгартирган янгиликни ихтиро қилади.

Мэрион Донован чиндан ҳориган эди. У нафақат уй юмушларидан, балки фарзандининг ҳўл тагликларини алмаштиришдан ҳам чарчаган эди. Бу чарчоқ кўзга кўринмаса-да, онани аста-секин ҳолдан тойдирарди. Унинг меҳнатини ҳеч ким енгиллатишга уриниб кўрмасди. Барча оналар каби у ҳам уй юмушларидан ташқари кир чойшаблар, боласининг ҳўллаб қўйган иштончалари ичида яшарди, гўё шу тирикчиликнинг ичига "чўкиб" кетгандек.

Ўша пайтларда фақат матодан тикилган тагликлар бор эди. Улар суюқликни ўтказар, кийимлар, чойшаблар ва ётоқни ҳўллаб қўярди. Болалар ҳўл тагликларда қолиб кетган дамларда териси шилиниб кетар, онанинг эса ҳар куни соатлаб вақти кир ювиш, қайнатиш, қуритиш ва йиғишга сарф бўларди. Бу ишлар гўё бош-учи йўқ доирага ўхшарди.

Охир-оқибат Мэрион бу тугамайдиган заҳмат юкини кўтара олмай қолди. Бир куни у душ пардасини олди, тикув машинасига ўтирди ва уни кесди. Матодан таглик устига кийдириб қўйиладиган, сув ўтказмайдиган қоплама тикди. Унинг тузилиши оддий, содда эди, лекин ўша соддаликнинг ўзида катта енгиллик яширин эди.

Кўпчилик ишлатадиган резинали шимлардан фарқли ўлароқ, Донованнинг ихтироси ҳаво айланишига тўсқинлик қилмас, бола терисини безовта қилмасди. Тўғноғич ўрнига тугмалар билан маҳкамланарди, яъни хавфсиз ва қулай эди. У бу ихтиросини “қайиқча” деб номлади, чунки у болани қуруқ ва хавфсиз ҳолда “сузиб юргандек” асраб турарди.

Мэрион оналик дунёсида катта ўзгариш қилганини ҳис қилди. Бу янгилик фақат таглик билан боғлиқ эмасди. Бу оналарнинг қадр-қиммати ва оромини ўзига қайтарувчи ечим эди.

У ўз ихтиросини ишлаб чиқарувчиларга олиб борди. Аммо рад жавоби бўлди:

“Бунинг ҳожати йўқ. Оналар минг йиллардан бери мавжуд тагликлардан фойдаланиб келган”. Лекин Мэрион тўхтамади. У ўз маҳсулотини Нью-Йоркдаги “Saks Fifth Avenue” дўконига олиб борди. Кутилмаганда, жажжи болалар учун яратилган бу янгилик дарҳол сотилиб кетди. У ҳақдаги хабар реклама орқали эмас, оналарнинг миннатдор нигоҳлари орқали тарқалди.

1951 йилда Мэрион “The Boater” учун патент олди ва унинг ҳуқуқини Keko Corporation компаниясига бир миллион долларга сотди. Аммо у бу билан чекланиб қолмади. Ихтиросини янада мукаммаллаштириш ҳақида ўйлай бошлади.

Ниҳоят, унда бир марталик таглик яратиш ғояси пайдо бўлди: ювмасдан, қуритмасдан, тўғноғичларсиз, қопламасиз – ишлатилгандан сўнг ташлаб юбориладиган таглик.

Оналар учун бу табиий енгиллик эди. Аммо ишбилармонларга бу ҳолат ёқмади.

“Оналар тагликларни ташламайди. Бу – исрофгарчилик-ку”, дейишди улар.

Аслида эса бу исроф эмас, вақтни тежаш, оромни қайтариш эди. Энди тежалган вақт эвазига оналар фарзандини эркалаши, ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши мумкин эди.

Бу ғоя дастлаб рад этилди, аммо у келажак учун асос бўлиб қолди. Орадан бир неча йил ўтиб, Виктор Миллс ва унинг Procter & Gamble компаниясидаги жамоа Pampersни яратди. Шу тариқа Мэрионнинг орзуси рўёбга чиқди.

Мэрион Донован умри давомида йигирмадан ортиқ патент олди. У салфетка қутиси, ипли тиш тозалагич, болалар жавони каби ихтироларни шон-шуҳрат учун эмас, балки бошқалар “оддий” деб ҳисоблайдиган муаммоларга ечим топиш истаги билан яратди.

У 2014 йилда 92 ёшида вафот этди. Бугун бир марталик тагликлар миллиардлик индустрияга айланди ва миллионлаб ота-оналарни узлуксиз заҳмат юкидан халос қилиб келмоқда.

Инновациялар ҳар доим лабораторияларда ёки мажлис залларида туғилмайди. Баъзан улар оддий бир душ пардасидан, тикув машинасидан ва ҳаётни инсон учун енгилроқ қилиш керак, деган қатъий ишончдан туғилади.

Айниқса, оналар ишончи энг зўр ишончдир.

Интернет саҳифаларидан
Саодатой тайёрлади.

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ



Юртимизда қуёшли кунлар бошланяпти. Баъзилар “Ўзимизнинг иссиқ-да”, дея бундай қуёшли кунларга оддий, одатий нигоҳ билан қарайди. Аммо ёз офтоби таратадиган нурлар, айниқса, ультрабинафша нурларининг танамиз, теримизга яхшигина зарари бўлади. Бу ҳолатни азалдан опа-сингилларимиз яхши билишган. Айниқса, қуёшнинг тиғига юзма-юз ишлайдиган аёллар уй шароитида ҳар ким бемалол фойдаланса бўладиган табиий воситалар билан юз териларини доғлар, қорайиш, куйишлардан асрашган.

Қатиқ, сузма, қайнатилган гуруч суви, бодринг шарбати ва ялпиз дамламаси, сумалак учун тайёрланган буғдой шарбати каби ҳар хил табиий воситаларни терини оқартириш, тинчлантириш ва доғлардан асраш учун ишлатишган. Бу усуллар ҳали ҳанузгача анъанавий пардоз воситалари сифатида хотин-қизларимиз ҳаётида давом этмоқда. Ҳамма нарса ривожланишда бўлгани каби косметология соҳаси ҳам илмий ёндашувлар билан бойимоқда. Дунё тажрибалари ҳам соҳага янгиликлар киритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Саломатлик ва пардоз маъносида аёллар орасида анча мижозлари бўлган SPF (Sun Protection Factor) ҳақида биласиз, албатта. Бу крем қуёш нурларининг зарарли таъсиридан терини ҳимоя қилувчи энг ишончли восита ҳисобланади.

“Ҳимоя воситаси” деганимиз бироз умумийроқ туюляптими? Изоҳлаймиз.

SPF кремлар (таркибида қуёшдан ҳимояловчи моддалар бор) терининг қариш жараёнини секинлаштиради, ажинлардан асрайди. Офтобда кўп юрган аёлларнинг юз-қўл терилари бўшашиб, салқи тортиб қолиши мумкин. SPFдан мунтазам фойдаланиш эса терини таранг ва соғлом сақлашга ёрдам беради.

Ҳомиладорлик, гормонал ўзгаришлар ёки шунчаки нур тиғидан ҳимояланмаслик – барчаси юзда доғ пайдо бўлишига сабаб бўлади. SPF кремлардан доимий фойдаланиш турли сабаблар боис юзага келадиган доғларнинг олдини олади.

Қуёшнинг зарарли нурлари узоқ вақт давомида терига таъсир қилса, жиддий касалликларга олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, SPF воситалари тери саратони хавфини камайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

SPF ишлатадиган аёлларда тери ранги янада силлиқ ва соғлом кўринади. Уни ҳар куни, ҳатто қуёш кўринмаса ҳам суртиб туриш зарар қилмайди. Кремни кўчага чиқишдан 15-20 дақиқа олдин қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ҳар 2-3 соатда янгилаб туришни унутмаслик керак.

Бундай кремларни харид қилганда SPF сўзи ёнидаги рақамларга, албатта, эътибор беринг. Бу рақамлар шунчаки сон эмас, балки терининг ҳимоя даражасини билдиради. Масалан, SPF 30 тахминан қуёш нурларининг 97 фоизидан ҳимоя қилади. SPF 50 эса 98-99 фоизигача тўсиқ бўла олади. Фарқ кичикдек кўринса-да, таъсирчан тери учун бу жуда муҳим.

Агар тери одатда 10 дақиқа ичида қизара бошласа, SPF 30 қўлланилганда, тахминан, икки соатгача тери ҳимоясини таъминлай олади.

Аммо таркибида SPF бор деб ёзилган ҳар қандай тонал кремларга тўлиқ ишониб юбормаслик керак. Бундай маҳсулотларда ҳимоя даражаси паст бўлиши мумкин. Шунинг учун алоҳида SPF кремдан фойдаланиш тавсия этилади.

Азиз опа-сингиллар, соғлом яшаш ва чеҳрангиздаги табиий чиройни сақлаш доимо қиммат муолажаларни талаб қилавермайди. Бироз эътибор ва парвариш билан сиз ўзингизга гўзаллик ва саломатлик бахш эта оласиз.

Интернет материаллари асосида ДИЛСОРА тайёрлади.

САОДАТ

Ушбу сонда:

САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

4-сон (973) 2026 йил

МУАССИС:
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА

Жамоатчилик кенгаши:
Танзила НАРБАЕВА
Зулайҳо МАҲКАМОВА
Умида АБДУЛЛАЕВА
Дилбар ҒУЛОМОВА
Мукаррам НУРМАТОВА
Муножат ЙЎЛЧИЕВА
Гавҳар АЛИМОВА
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Саодат БОЙМИРЗАЕВА

1 Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятидан
Оила – масъулият, никоҳ – муқаддас

10 Ҳамкорларимиздан сўз очдик
Шаҳло Тошбекова
Чироқлари порлаган уйлар


18 Эҳтиром
Холида Пардабоева
Мукамбар опа – мукаммал опа

20 Наср
Аҳмаджон Мелибоев
Кетмон бува

26 Жаҳон адабиётидан
Кэтлин Норрис
Маргарет

31 Гўзаллик сирлари
Ишончли ҳимоя







Азиз журналхон!
"Саодат" журналини 2026 йил 4-сонидан бошлаб QR коди орқали лотин алифбосида ўқишингиз мумкин!

(93) 555-49-09

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Феруза ОРИПОВА

Масъул котиб:
Қутлибека ВАҲИМБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани М.Исмоилий Г-1.
Веб сайт: saodatjurnali.uz

ISSN 2010-541X.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 5 январда 8831-рақам билан рўйхатга олинган.

«DAVR MAXSIMUM MEDIA» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Нашр индекси – 867.
Буюртма – 4/26
Адади **3100** нусхада босилди.
Қоғоз бичими 60x90 1/8.
Ҳажми – 5,75 табоқ
Баҳоси келишилган нархда

2026



Жавоҳир Синдоров

Кипрда ўтказилган шахмат оламининг энг нуфузли мусобақаларидан бири Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири ғолиби Жавоҳир Синдоров ҳақида бугун бутун Ўзбекистон:

– Бизнинг Жавоҳиримиз, – дея фахр билан гапирмоқда.

2019 йилда муросасиз баҳслар орқали гроссмейстерлик унвонини қўлга киритгач, дунё шахмат тарихидаги энг ёш истеъдодларда бири сифатида танилган эди. Бу сафар эса нуфузли турнирда катт тайёргарлик ва пухта фикр билан ўз салоҳиятини яна бир бор намоё этди.

Рақибларини 1,5 очко фарқ билан ортда қолдириб, 10 очко била ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Шу ғалаба уни йил охирид бўлиб ўтадиган жаҳон шахмат тожи учун курашнинг асос даъвогарларидан бирига айлантирди.

Энди дунё эътибори ўзбек ўғлони Жавоҳир Синдоров ҳиндистонлик Гукеш ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсларга қаратилад

– Чемпион набирамиз муҳтарам Президентимиз томонид "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Бу қувонч оилами чексиз фахр бахш этди, – дейди бувиси, "Янги ҳаёт" туманид 331-мактаб директори Жамила Синдорова.

Бу ғалаба – шунчаки спорт ютуғи эмас.

Бу ақл, ирода ва ифтихор бир нуқтада жамланган мил қудратидир.

www.saodatjurnali.uz

АЗИЗА РАЖАБОВА